# ҲАММА—ШАНБАЛИККА

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 75 (5936).

16 АПРЕЛЬ ШАНБА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

«ШАНБАЛИКЛАР... БУТУН ДАВЛАТ ЭҲТИЁЖИ УЧУН КЕНГ СУРАТДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН ТЕКИН МЕҲНАТ ТАРИҚАСИДА, ЭСКИ КАПИТАЛИСТИК ҚОИДАЛАРНИНГ ҲАММАСИНИ БУЗИБ ТАШЛАБ, УЗИГА ЙЎЛ ОЧАДИГАН БУТУНЛАЙ ЯНГИ БИР НАРСАНИНГ, КАПИТАЛИЗМНИ ЕНГАДИГАН СОЦИАЛИСТИК ЖАМИЯТДАН ҲАМ ЮҚОРИРОҚ БИР НАРСАНИНГ ВУЖУДГА КЕЛАЁТГАНЛИГИНИ ВА ПАЙДО БУЛАЁТГАНЛИГИНИ КЎРСАТАДИ».

В. И. ЛЕНИН.



В. И. ЛЕНИН Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигида. 1 май 1920 йил. Кремль.
Рассом М. Соколов чизган расмдан фоторепродукция.

## ИБРАТЛИ ТАШАББУС

КПСС РОСТОВ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИГА
МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИГА
КАСАБА СОЮЗЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА
ВЛКСМ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИГА

Азиз ўртоқлар!

Область партия ташкилотининг ҳамма саноат корхоналарида планларининг бажарилишини таъминлаш соҳасидаги иши тўғрисида сизлар берган ахборот билан қизиқиб танишдим.

Дон партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, саноат меҳнаткашлари кишни тўғри уюштирган, социалистик мусобақага моҳирона раҳбарлик қилган тақдирда қолоқ корхоналарсиз ишлаш мумкинлиги намунасини кўрсатмоқдалар. Сурункасига 3 йилдан бери областдаги деярли ҳамма завод ва фабрикалар маҳсулотни реализацкя қилиш, янги техниканн жорий этиш планларини муваффақиятли уддаламоқдалар. Сизлар эришилган натижа билан кифояланиб қолмасдан, ўнинчи беш йилликда қолоқ корхоналаргина эмас, ҳатто қолоқ бригадалар, участкалар ва цехлар ҳам бўлмаслигига интилаётганлнгингиз айниқса қувончлидир. «Қолоқларсиз ишлаймиз» деган шиор сизларнинг корхоналарингизда планни маҳсулотни реализацня қилиш жиҳатидан ҳам, шунингдек бошқа техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар жиҳатидан ҳам албатта бажаришни ўз ичига олаётганлиги жуда тўғри.

Ишлаб чиқариш — хўжалик алоқаларн узлуксиз кенгайиб бораётган шароитда экономикамизнинг ҳамма бўғинларида план интизомига қаттиқ риоя этилиши гоят муҳим аҳамият касб қилиши тўғрисида илгари гапирган эдим ва яна бир карра таъкидлаб ўтмоқчиман. Ҳар бир ишлаб чиқариш коллективи план топшириқларини ва заказларни белгиланган муддатда бажариши, маҳсулотининг сифати аъло бўлиши, турдош касб эгаларини, истеъмолчиларни ҳеч қачон доғда қолдирмаслиги муҳимдир. Шу сабабли партия ташкилотлари ишчидан тортиб раҳбар ходимгача барча меҳнаткашларни белгиланган планларнинг бажарилиши учун, ўз корхонасининг шарафи учун юксак масъулият туйғуси руҳида тарбиялаб, катта иш қилмоқдалар.

Партия Марказий Комитети ростовликларнинг тажрибасига бошқа областлар, ўлкалар ва республикалар ҳам бажонидил қўшиладилар, бу тажрибадан ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш манфаатлари йўлида кенг фойдаланадилар, деб ишонч билдиради.

Дон меҳнаткашларига Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажаришда, КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш йўлидаги курашда катта муваффақиятлар тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

## *КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич БРЕЖНЕВга*

Қадрли Леонид Ильич!

Дон коммунистлари, барча меҳнаткашлари Сизнинг Касаба союзлари XVI съездида сўзлаган ёркин, сермазмун нутқингизни яқдиллик билан маъқуллаб, завқ-шавқ билан кутиб олдилар. Иш самарадорлигини ва сифатини ошириш учун курашда омманинг ижодий ташаббусини янада ривожлантириш соҳасида Сиз қўйган аниқ ва муҳим вазифалар ишчиларнинг, колхозчиларнинг, зиёлиларнинг кучига-куч, ғайратига ғайрат қўшди.

Леонид Ильич, область партия ташкилоти КПСС XXIV ва XXV съездларининг социалистик мусобақа таъсир кучини ошириш, умумий юксалишни тезлаштириш мақсадларида қолоқ участкаларни илғорлар даражасига етказиш тўғрисидаги йўл-йўриқларини бажариш соҳасида қилаётган ишларни Сизга маълум қилишни хоҳлардик.

Кейинги йилларда завод ва фабрикаларда асосий техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича бирорта ҳам қолоқ коллективсиз ишлаш ҳаракати кенг авж олиб кетди. Партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ходимларни тарбиялаш ва ўқитиш, кейинда қолувчиларга ўз вақтида ёрдам бериш, контролни такомиллаштириш ва кадрларнинг — ишчидан тортиб директоргача смена, ойлик, квартал, йиллик планларни ва умуман беш йиллик планни тўла ҳамда ортиғи билан бажариш учун масъулиятини оширишдан иборат бир-бири билан боғлиқ комплекс тадбирларни ишлаб чиқдилар ва амалга оширмоқдалар. Ишлаб чиқаришни қайта қуриш ва техника билан қайта қуроллантириш суръатлари кучайтирилди. Кейинги 4 йил ичида 1215 та автомат линия, конвейер ва поток линиялар жорий этилди, 600 дан зиёдроқ цех ва участка комплекс механизациялаштирилди.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Областда тўққизинчи беш йилликнинг бошида 100 дан зиёдроқ қолоқ корхона бўлган бўлса, мана уч йилдан буён сурункасига 860 завод ва фабриканинг деярли ҳаммаси маҳсулотни реализация қилиш ва янги техникани жорий этиш планларини муваффақиятли бажармоқда. Меҳнат унумдорлигини ўстириш юзасидан берилган топшириқларни уддалай олмаётган корхоналар сони 180 тадан 15 тагача камайди.

Партия ташкилотлари тўпланган тажрибага таяниб, бу ҳаракатни янада ривожлантириш — областда кейинда қолдиган бирорта цех, бригада, участка бўлмаслигига, ҳар бир ишчи ўз иш нормасини бажаришига эришишни вазифа қилиб қўйдилар.

Ана шу иш давомида янги ташаббуслар туғилди ва кенг қанот ёзди. Ишчиларнинг қарийб ярми: «Ҳар бир станокка — самарадорлик паспорти» деган шиор остида меҳнат қилмоқдалар, беш йиллик тежамкорлик шахсий ҳисоб варақалари бор. Ҳар икки ишбай ишчининг бири ўз ташаббуси билан иш нормасини оширди, ишчилар ҳамда мутахассисларнинг учдан икки қисми коллектив ва шахсий ижодий планларга биноан меҳнат қилмоқдалар. Ҳозирги вақтда 21 мингтадан зиёдроқ цех, бригада ва участка ёки уларнинг умумий миқдорига нисбатан 96 процент цех, бригада ва участка ишлаб чиқариш топшириқларини муваффақиятли уддаламоқда. Ишчиларнинг 98 процентдан кўпроғи белгиланган нормаларни ва олинган мажбуриятларни тўла ҳамда ортиғи билан бажармоқда.

Биз ҳали анчагина камчиликларимиз борлигини, ҳамма участкалардаги кишилар ҳам астойдил ғайрат билан ишлаяптилар, деб бўлмаслигини биламиз. Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари меҳнаткашларнинг ташаббусини мавжуд резервлардан яхшироқ фойдаланишга қаратмоқдалар, Леонид Ильич, бирорта ҳам фойдали ташаббус сўниб қолмасин, деган йўл-йўриқларингиздан амалий хулоса чиқармоқдалар. Ҳозир қолоқларсиз ишлаймиз, деган ҳаракатга транспорт, алоқа корхоналари, қурилиш ташкилотлари, маданий-маиший хизмат ходимларининг меҳнат коллективлари қўшилмоқдалар.

Дон меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини кутиб олар эканлар, ўз зиммаларига қуйидаги юксак мажбуриятларни олдилар:

Маҳсулотни реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, барча корхоналарнинг коллективи томонидан номенклатура ва бошқа техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича йиллик ва беш йиллик планларнинг бажарилишини таъминлаймиз; саноат ишлаб чиқариши ҳажми юзасидан беш йиллик планни 1980 йил 15 декабргача бажарамиз, планга қўшимча равишда 400 миллион сўмлик маҳсулот чиқарамиз.

Сифати олий категориядаги буюмларни чиқаришни икки ярим баравар кўпайтирамиз;

1977 йилда планга қўшимча равишда 80 миллион сўмлик маҳсулот чиқарамиз;

Область коммунистлари, барча меҳнаткашлари ленинчи Марказий Комитетни, Марказий Комитет Сиёсий бюросини, азиз Леонид Ильич, шахсан Сизни ишонтириб айтадиларки, бутун куч, билимимизни, тажриба ва куч-ғайратимизни юбилей йили ва ўнинчи беш йиллик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун сарфлаймиз, КПСС XXV съезди тарихий қарорларни бажаришга муносиб ҳисса қўшамиз.

КПСС РОСТОВ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ.
ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.
КАСАБА СОЮЗЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ.
ВЛКСМ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ.

## *Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич БРЕЖНЕВга*

Биз, Совет Узбекистони пойтахти Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги ва СССРда пролетар интернационализмининг тантанаси» мавзуидаги Бутуниттифоқ илмий-назарий конференциясининг қатнашчилари жонажон партиямизнинг ленинчи Марказий Комитетига ва содиқ марксчи-ленинчи, оташин интернационалист, Ер юзида кишиларнинг тинчлиги ва бахт-саодати учун хормас-толмас курашчи азиз Леонид Ильич шахсан Сизга қизғин коммунистик салом йўллаймиз.

Конференциямизнинг иши революцион назария ва практиканинг энг муҳим проблемаларидан бири — пролетар интернационализмига бағишланди. Азиз Леонид Ильич, Сизнинг Тошкент конференцияси иштирокчиларига юборган самимий табрикномангиз ҳаммамизда ўчмас таассурот қолдирди, конференциянинг аҳамиятини кўтарди, унинг ишида муҳим омил ва мўлжал бўлиб қолди.

Конференциянинг ҳамма қатнашчилари Коммунистик партиянинг ленинча интернационалистик сиёсатини, партиямизнинг жанговар штаби—КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюросининг социалистик жамиятни коммунизм йўлида янада ривожлантириш, СССР халқлари дўстлигини мустаҳкамлаш борасидаги ҳормас-толмас фаолиятини бутунлай ва тўла-тўкис маъқуллайдилар, қизғин қўллаб-қувватлайдилар. Барча совет кишилари каби биз ҳам партия ва Совет ҳукуматининг тинчлик, демократия, халқларнинг миллий ва социал озодлиги учун, социализм учун олиб бораётган актив ва изчил курашини юксак даражада қадрлаймиз.

Улуғ Ленин васиятларига амал қилаётган КПСС пролетар интернационализми байроғини ҳамиша баланд кўтариб келмоқда. Совет халқи, бутун прогрессив инсоният пролетар интернационализми назарияси ва сиёсатини ишлаб чиқишда, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларини жипслаштиришда, ишчилар синфи билан барча революцион кучлар халқаро бирдамлигини мустаҳкамлашда партиямиз, унинг Марказий Комитети, азиз Леонид Ильич, шахсан Сиз қўшаётган жуда катта ҳиссани юксак даражада қадрлайдилар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги, совет халқининг катта-катта зафарлари марксизм-ленинизм ҳаётий кучининг, пролетар, социалистик интернационализм принципларининг яққол тасдиғи бўлиб хизмат қилади.

Интернационализм байроғи остида Улуғ Октябрь ғалабасига эришилди, жаҳон социализм системаси вужудга келди, халқаро коммунистик, ишчилар ҳаракати мустаҳкамланиб, ривожланиб бормоқда, жаҳондаги революцион жараён муттасил ўсиб бормоқда.

«Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган сўнмас жанговар чақириқ бугилган интернационализм байроғи остида жаҳон коммунизм ғалабасига эришади.

Партия ленинчи Марказий Комитетига, азиз Леонид Ильич, Сизга коммунистик бунёдкорлик ишларига раҳбарлик қилишда чин қалбимиздан астойдил янги-янги муваффақиятлар, кўп миллатли Совет социалистик Ватанимизнинг фаровонлиги ва бахт-саодати йўлида, олижаноб тинчлик идеаллари, социал тараққиёт, халқларнинг ҳавфсизлиги ва ҳамкорлиги йўлида, марксизм-ленинизмнинг ўлмас музаффар ғоялари тантанаси йўлида янги, янада катта зафарлар тилаймиз.

Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги!

Яшасин мангу барҳаёт революцион таълимот — марксизм-ленинизм!

Яшасин халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг қудратли, синалган қуроли — пролетар интернационализми!

«УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ВА СССРДА ПРОЛЕТАР ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМИНИНГ ТАНТАНАСИ» МАВЗУИДАГИ БУТУНИТТИФОҚ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ БИР ОВОЗДАН ҚАБУЛ ҚИЛГАНЛАР.

Тошкент шаҳри,
1977 йил, 15 апрель.

## ЗАРБДОР МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

ТОШКЕНТДАГИ «Миконд» заводи оталиққа олган мактаб пионерлари шу куни коммунистик шанбалик қатнашчиларини гуллар билан кутиб оладилар. Шанбаликка келувчиларни ишчи ёлларининг қирмизи лентадари ва рўмоллари, ўқувчиларнинг қипқизил галстуклари, гул ва музика садолари кутиб олади. Меҳнат байрами заводга кираверишданоқ бошланади.

16 апрель куни заводнинг кўп минг кишилик коллективи иш жойида бўлади. Инженер-техник ходимлар ҳам станок тепасида бўладилар. Улар бир неча юз минг сўмлик маҳсулот чиқарадилар. Бу маҳсулотнинг ҳаммаси биринчи тақдим этишдаёқ топшириладиган бўлади.

(ЎзТАГ).

# ПРОЛЕТАР ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМИ ҒОЯЛАРИ ЯШАБ, ҒАЛАБА ҚОЗОНМОҚДА

«Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги ва СССРда пролетар интернационализмининг тантанаси» мавзуидаги Бутуниттифоқ илмий-назарий конференцияси Узбекистон пойтахтида уч кун давом этди.

Бу конференцияни СССР Фанлар академияси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти, Узбекистон ССР Фанлар академияси ўтказди. Конференцияни ўтказишда КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий Фанлар академияси билан олий партия мактабининг олимлари актив иштирок этдилар. Совет жамиятшунос олимлари, партия ходимлари, Европа, Осиё, Африка ва Латин Америкасининг фан аҳллари, ижтимоий ва сиёсий арбоблари ишчилар синфи, халқаро ишчилар ва коммунистик ҳаракатнинг кучли, синалган қуроли бўлмиш пролетар интернационализмининг турли жиҳатларини муҳокама қилдилар.

Сўзга чиққан нотиқлар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга конференция қатнашчиларига йўллаган табрикномасида эзгу тилаклар изҳор этгани учун чуқур миннатдорчилик сўзлари айтишди.

15 апрель эрталаб секцияларнинг мажлислари давом этди. Шу мажлисларда тингланган доклад ва ахборотларда СССРда социализм қурилишининг 60 йиллик тажрибаси батафсил кўриб чиқилди, пролетар интернационализми проблемалари билан шуғулланаётган олимлар тадқиқотларининг натижалари баён этилди, жамиятни коммунистик тарзда ўзгартириш йўлидаги курашнинг янги форма ва методлари умумлаштирилди.

Ҳамма доклад ва нутқларда шу нарса таъкидландики, пролетар интернационализми ишчилар синфининг жанговар қуроли бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади;

Кечқурун конференциянинг якунловчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. ПБИП Марказий Комитети ҳузуридаги сиёсий фанлар олий мактаби ишчилар ҳаракати институтининг директори, профессор Я. Голембовски ўз нутқида айтдики, чет эллик меҳмонлар Узбекистонда, унинг пойтахти Тошкентда бўлганларида совет кишилари эришаётган барча муваффақиятларнинг негизи бўлган жаҳонда биринчи социалистик давлат халқларининг қардошларча бирдамлиги — амалдаги интернационализм» секциясининг самарали иши тўғрисида гапирди.

СССР Фанлар академияси халқаро ишчилар ҳаракати институти директорининг ўринбосари, тарих фанлари доктори Б. И. Коваль «Ҳозирги даврда меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлиги ва уни ривожлантириш» секциясининг иши тўғрисида ахборот кишилари интернационализмга содиқ бўлганликлари учун уларга илиқ, самимий миннатдорчилик сўзларини айтди, совет халқи, Узбекистон меҳнаткашлари эришган ажойиб зафарлар учун фахрланиш ва қойил қолиш ҳис-туйғуларини изҳор этди. ГБСП Марказий Комитети ҳузуридаги халқаро ишчилар ҳаракати институтининг директори, профессор Г. Нойберт ўз нутқида пролетар интернационализми ғояларига садоқат — ишчилар синфи иши учун энг актив курашчилар бўлган коммунистлар фаолиятини акс эттирувчи энг асосий омил эканлигини таъкидлаб ўтди.

Сўнгра секцияларда ўтказилган фикрлашув натижалари тўғрисидаги докладлар тингланди.

Академик Ю. В. Бромлей «Совет Иттифоқи халқларининг қардошларча бирдамлиги — амалдаги интернационализм» секциясининг самарали иши тўғрисида гапирди.

СССР Фанлар академияси халқаро ишчилар ҳаракати институти директорининг ўринбосари, тарих фанлари доктори Б. И. Коваль «Ҳозирги даврда меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлиги ва уни ривожлантириш» секциясининг иши тўғрисида ахборот берди. Муҳокамага ўттиздан ортиқ илмий ахборот тақдим этилди ва кўриб чиқилди. Секция мажлисларида совет олимлари билан бир қаторда Уругвай компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Арисменди, ГДР, Польша, Болгария, Чехословакия, Венгриянинг марксист олимлари шунингдек ГФР, Эфиопиядан келган меҳмонлар, Фаластин қаршилик ҳаракатининг вакили ва бошқалар ҳам сўзга чиқдилар.

Нутқларда пролетар интернационализмини бойитиш, унинг антиимпериалистик, тараққийпарвар кучлар халқаро бирдамлигининг ҳамма формаларига таъсири кучайиб бораётганлиги жараёни тўғрисидаги конкрет материаллар баён этиб берилди. Мажлисда илмий-тадқиқотларни координациялашни кучайтириш тўғрисида, шу жумладан Узбекистон ССРда «Халқаро ишчилар ва миллий-озодлик ҳаракати тарихи» комплекс проблемаси билан шуғулланувчи илмий кенгашнинг махсус секциясини тузиш ҳақида бир қанча таклифлар айтилди.

Конференциянинг ўзи, унда турли миллатларга мансуб олимларнинг актив иштирок этганлиги, уларнинг коллектив ижодий иши — ҳаётдаги интернационализмнинг кўринишларидан биридир. СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Е. М. Чехарин «Пролетар интернационализми: идеология проблемалари ва маданият» секцияси ишининг натижалари тўғрисида берган ахборотида шу фикрни ифодалаб берди.

Секция мажлисларида мамлакатимизнинг кўпгина иттифоқдош республикаларидан, шунингдек Болгария ва ГДРдан келган уч юздан кўпроқ олим, педагогик ходим ва партия ходими қатнашди. Илмий-назарий конференциянинг жуда катта аҳамияти ҳисобга олиниб, илмий докладлар ва ахборотлар материалларини чоп этиш истаги билдирилди.

СССР Фанлар академиясининг вице-президенти академик П. Н. Федосеев конференция ишини якунлади.

Конференциянинг бутун иши, — деб таъкидлади у, — илмий жиҳатдан юксак савияда ўтди. Унда қатнашган совет ва чет эллик олимлар ҳамда жамоат арбобларининг нутқларида пролетар интернационализмининг умумий принциплари кўриб чиқилди ҳамда янги тарихий тажриба асосида уни ривожлантириш қонуниятлари ва йўллари, коммунистик идеалларнинг тантанаси учун курашда коммунистлар, барча меҳнаткашлар миллий ва интернационал вазифаларининг нисбати очиб берилди ҳамда конкретлаштирилди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг конференция қатнашчиларига йўллаган табрикномаси унинг бутун ишига жуда катта, бениҳоя самарали таъсир бахш этди.

Ялпи ва секция мажлисларида қилинган ҳамма докладлар ва ахборотларда битта асосий фикр таъкидлаб ўтилди: пролетар интернационализми доимо ривожланмоқда.

Назарий мунозара давомида турли мамлакатларнинг марксист олимлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тажрибасининг аҳамиятини, у улуғ Ленин васиятларига амал қилиб, пролетар интернационализмининг ҳаёт синовидан ўтганлигини таъкидладилар.

Конференция қатнашчилари, чет эллардан келган меҳмонлар Узбекистонда бўлган вақтларида ленинча миллий сиёсат самараларини, бу самаралар республика экономикаси ва маданияти жадал юксалиб бораётганлигида, уқубатли капитализм чўққиларига кўтарилган халқларнинг маънавий кучлари қулф уришида намоён бўлаётганлигини ўз кўзлари билан кўрдилар. Ўртоқ Л. И. Брежнев конференция қатнашчиларига йўллаган табрикномасида айтганидек, СССРда марксизм-ленинизм идеологиясининг тантанаси — чинакам халқаро аҳамиятга молик ғалабадир. Совет жамиятининг бутун ҳаёти, СССР халқлари тенг ҳуқуқли кўп миллатли оиласининг бузилмас дўстлиги, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг илҳомбахш меҳнати — амалдаги интернационализмнинг ўзидир.

П. Н. Федосеев илмий-назарий конференциянинг самарали ишлашига барча зарур шароитларни яратиб берганлиги учун Узбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика ҳукуматига самимий миннатдорчилик изҳор этди.

Конференция қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга баланд рух билан табрикнома қабул қилдилар.

Бутуниттифоқ конференциясининг якунловчи ялпи мажлисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Й. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Ҳўжаев, Н. Ж. Ҳудойбердиев, Н. Маҳмудов, Э. Б. Нордман, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари Н. Ф. Кузьмин, Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Е. Маланчук, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. Т. Кузьмин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Р. Х. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, С. Мамарасулов, М. Д. Мухортов, М. Т. Турсунов иштирок этдилар.

## ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОН СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Меҳнаткашлар депутатлари Ўрта Чирчиқ район Советининг бўлиб ўтган сессияси ташкилий масалани кўриб чиқди.

Сессия бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан А. Ш. Шосолиховни район Совети ижроия комитетининг раиси вазифасидан озод қилди.

Меҳнаткашлар депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси қилиб аввал Ўрта Чирчиқ район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиги вазифасида ишлаган Т. М. Мирёқубов сайланди.

# КОММУНИСТИК МЕҲНАТ БАЙРАМИ

## АНЪАНАЛАРГА СОДИҚМИЗ

**ЎРТА ОСИЁДА қизил шанбалик илк бор Ленин райони корхоналарида ўтказилиб, еркуёш ўлкамизга қанот ёзган эди. 1919 йилнинг 11 октябрида ҳозирги Октябрь революцияси заводи, собиқ Қизил Шарқ устахонасида шанбалик ўтказилди. Ярим асрдан ошиқроқ вақтдан бери давом этаётган ана шу революцион анъана йилдан-йилга мазмунан бойиб бораяпти. Шанбаликка биринчи бор чақирган ўша гудок ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили шанбалигида ҳам янграйди.**

**Район ижроия комитетининг раиси М. М. ҚАҲҲОРОВ шанбаликни уюшқоқлик билан ўтказиш тадбирлари ҳақида мухбиримизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди.**

ОКТЯБРЬ революцияси номли завод бу кун ўзгача файзга тўлган. Умумхалқ ҳашари куни завод ишчи-хизматчилари орасида кўкраклари орден ва медалларга тўлган ветеранларни ҳам учратиш мумкин. Бу гал гудок бериш устахонанинг собиқ ишчиларидан, 1919 йилдан бери КПСС аъзоси Р. Игольниковга топширилади.

Шанбалик ҳар йили районимизда ана шундай анъанавий суратда бошланади. Шанбалик ҳар бир совет кишисининг қалбига сингиб кетган. Тарих саҳифаларини варақласак энг юқори кўрсаткичлар ана шу умумхалқ ҳашари кунида қўлга киритилганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу муқаддас кун бизни шонли тарихимиз, ота-боболаримизнинг жанговар жасоратлари билан боғлайди. Янги уфқларга чорлайди.

Қизил Шарқ устахонаси ташкил этилган дастлабки кунларда ишга келган, Тошкентдаги революцион ҳаракатда жонбозлик кўрсатган 84 ёшли А. Луканов шанбаликда қатнашиш истагини билдирди. Унинг сафдошлари ҳозирда пенсионерлар М. Зайцев, П. Николаев, К. Ригин 1924 йил устахона ҳовлисида доҳий Ленин ҳайкалини бунёд этишда иштирок этган эдилар. Кексалар қалб амри билан шанбаликка отланишди. Уларнинг бу шахсий намунаси ёшларни янги марралар сари ундаяпти.

Цех, бригада коллективлари самарали ва сифатли ишлаш учун оширилган мажбуриятлар олдилар. Х. Қосимов раҳбарлик қилган комсомол-ёшлар кунлик нормадаги 60 ўрнига 90 секция деталини ремонт қилиб беришга азму-қарор қилишган. Шунингдек, В. Чичин бошлиқ бригада аҳли кунлик нормаларини икки бараварга етказиб бажаришга аҳд қилди. В. Сиротин бригадаси эса 72 ўринга 90 та подшипникни ремонтдан чиқариб беришга сўз берди.

Умуман, завод коллективи шу куни бир тепловоз ва бир вагонни ремонтдан чиқаришга, 20 тонна пўлатни эритишга, 2 минг дона тормоз колодкаси ишлаб чиқаришга, битта бош генераторни ремонт қилишга, ҳаммаси бўлиб 60 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга ваъда бердилар. Жуда кўп ишчи-хизматчилар шахсий социалистик мажбуриятлар олганлар.

Худди шу ишчанлик, кўтаринки руҳ, бунёдкорлик ишлари районимизнинг барча корхоналари, қурилиш объектларида, турли ташкилотларида ҳам ҳукм сурмоқда. Ҳар бир коллектив бу кунга пухта тайёргарлик билан келди. Халққа бежирим, сифатли кийим-кечаклар армуғон этаётган «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмаси чеварлари шанбалик куни 280 минг сўмлик буюм тайёрлашга аҳд қилишган бўлса, электротехника заводида 7400 киши ўз меҳнат постларида бўлади. Улар 300 минг сўмлик иш бажаришга отланганлар. Тошкент химия-фармацевтика, электро-аппарат заводлари, Ташсантехгазмонтаж, «Средазтрансстрой, 8-қурилиш трестлари ва бошқа ташкилотлар ҳам шанбалик куни юксак меҳнат натижаларига эришадилар. Саноат корхоналари 1 миллион 44 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадилар.

Шанбалик куни 47 минг киши ободончилик ишлари билан шуғулланади. Ленин номли метро станцияси янги ташкил этилган хиёбонлар, боғлар тартибга келтирилади. Район бўйича 3 минг квадрат метр жойда планировка ишларини бажариш кўзда тутилган.

Қўйлиқ зонасидаги Чирчиқ дарёси бўйлари кўримсиз бўлиб ётар эди. Шанбалик куни ана шу соҳилнинг халқа йўл билан туташ қирғоғига темир-бетон плиталари ётқизилади. Бундан ташқари Қўйлиқ зонасида ташкил этилган 3 та кичик хиёбон оромгоҳга айлантирилади.

Бир сўз билан айтганда, районимиз аҳли Қизил шанбаликка енг шимариб келди. Район бўйича барча корхона, қурилиш ташкилотлари ва муассасалар вакиллари актив қатнашадилар. Бульдозер, автокран, юк машиналари, ҳуллас ҳаммаси бўлиб 200 га яқин техника ободонлаштириш ишларига жалб этилган.

Юбилей йили шанбалиги алоҳида кўтаринкилик билан ўтишига аминмиз.

## 470 МИНГ СЎМЛИК МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАНАДИ

БЕКОБОД шаҳар корхоналари, ташкилотлари, муассасалари ва маҳаллаларида коммунистик шанбаликка пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Барча меҳнаткашлар москваликларнинг ташаббуси билан бошланган бу умумхалқ ҳашарида фаол иштирок этиш, уни ҳақиқатан ҳам коммунистик меҳнат байрамига айлантириш, юксак иш натижаларига эришишга астойдил бел боғлаганлар.

Шаҳар бўйича шанбаликда салкам 40 минг кишининг иштирок этиши кутилмоқда. Юзлаб ишчи ва хизматчилар мартен ва прокат агрегатларини, энергетика блокларини, қудратли асбобускуналарни бошқарадилар. Шу куни кўплаб пўлат эритилади, прокат ишлаб чиқарилади, электр энергияси ҳосил қилинади, кенг миқёсда турли-туман бинокорлик материаллари ишлаб чиқарилади.

Ҳаммаси бўлиб 470 минг сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади. Бинокорлар ҳам қурилиш объектларида меҳнат қилиб, 84 минг сўмлик ишларни амалга оширадилар. Бекобод металлургия заводи коллективи эса шанбаликда оддий иш кунларидагига нисбатан 100 тонна кўп пўлат ва 100 тонна кўп прокат ишлаб чиқаради.

Шаҳар меҳнаткашлари шанбаликдан тушадиган иш ҳақини ўнинчи беш йиллик фондига ўтказишга қарор қилдилар. Шу куни ҳаммаси бўлиб салкам 40 минг сўмлик маблағ тушади.

Ш. ШОАЛИМОВ.

## ЎҚУВЧИЛАР МЕҲНАТИ — МАКТАБ ЗИЙНАТИ

ЁШ авлодни меҳнатсевар қилиб вояга етказиш таълим-тарбиянинг ажралмас қисмидир. Шунинг учун биз педагоглар ўқувчиларга ҳар томонлама пухта билим бериш билан бирга уларда меҳнат кўникмасини ҳосил қилишга, фойдали касбларга меҳр уйғотишга ҳам алоҳида аҳамият берамиз.

Коммунистик шанбалик ҳам меҳнат тарбиясида алоҳида ўрин тутади. Бу йил унга тайёргарлик кўриш жараёнида мактабимизда талабалар кучи билан анчагина ишлар қилинди. Билим ўчоғида катта гулзор барпо этдик. Тажриба участкамиз ҳам чиройли манзара касб этди. 100 тупдан ортиқ мевали дарахт кўчатлари эқдик. Бу йил ёш мичуринчилар богини барпо этишга киришдик.

Бизда қуёнчилик фермаси бор. У эндиликда тажрибалар олиб бориладиган жонли бурчак вазифасини ҳам ўтаяпти. Биология дарси машғулотларини кўпинча шу ерда ўтказамиз. Қўшни мактаблардан ҳам ўқувчилар фермага экскурсияга келиб туришади.

Юқори синф ўқувчилари шанбаликда ана шу жонли бурчакни кенгайтириш билан банд бўладилар. Бизни ўз оталиғига олган «Қизил май» совхозига ҳам ёрдам берамиз. Бугун кўпчилик ўқувчиларимиз совхознинг иккинчи бўлимида-мириштор боғбонлар ёнида туриб меҳнат қилишади.

Шуни айтадиларда, ўқувчилар меҳнати — мактаб зийнати деб!

**И. ТОЖИБОЕВ,**
**Оржоникидзе районидаги 35-мактабнинг директори.**

## ҲАШАР

Шанбалик бу — қувноқ
меҳнат байрами,
Бобо Ленин табаррук
этган одат!
Замирида барқ урар олам
маъно:
Жамол очар халқдаги
дарё ҳиммат...

Қувноқ меҳнат майдонида
қари-ёш...
Кундан-кунга яшнар бу
гулгун ҳаёт,
Кўча-кўйда мевали
дарахт—кўчат,
Хиёбонлар, чаманлар
ёзар қанот.

Кўпчиликдан қочиб
кутилмас ҳеч иш,
Енгилган ҳар бир иш
бирликдан сўзлар.
Улуғ шанга муносиб
ҳисса қўшиб,
Зафар қучиб ҳашарда
ҳорманг, дўстлар.

Баҳор каби чеҳраларда
табассум,
Татир меҳнат нашидасидай
омад.
Беш йилликнинг
хазинасин бойитар,
Шанбаликдан келган
нафу даромад.

Ҳ. ҲОМИДИЙ.



## СЕРФАЙЗ ДАЛАЛАР

ХЎЖАЛИГИМИЗДА ҳар йили ўтказиладиган ленинча коммунистик шанбаликлар ҳақиқий меҳнат байрамига айланади. Далаларда, фермаларда, маданий-маиший бинолар ва жамоатчилик жойларида тонг саҳарданоқ комунист ва актив комсомоллар ташаббуси билан юзлаб колхозчилар тўпланишиб, ҳар қачонгидан ҳам гайрат-шижоат билан меҳнат қиладилар.

Бу йилги шанбаликка хўжалигимизнинг ҳар бир аъзоси жиддий тайёргарлик кўрган ҳолда келди. Улар башарият доҳийси В. И. Ленин туғилган кунининг 107 йиллигини юксак меҳнат кўрсаткичлари билан нишонлашдан ташқари, Буюк инқилобнинг 60 йиллик тўйига ҳам муносиб тўёна ҳозирлаш мақсадида аввалдан пухта режа тузиб қўйдилар

Ленинча коммунистик шанбалик куни амалга ошириладиган ишларни планлаштиришда колхозимиз коммунистлари активлик кўрсатдилар. Биринчи бўлиб 97 коммунист ва 67 комсомол-ёшлар шанбаликда актив иштирок этиб, шу куни икки кунлик нормани бажариш истагини билдирдилар.

Коммунист ва комсомоллар ташаббусини 630 дан зиёд киши қўллаб-қувватлади. Шулардан 45 киши чорвачилик фермасида меҳнат қиладилар. Соғувчилар, молбоқарлар ва чорвачилик мутахассислари ферма территориясини тартибга келтириб, бир қатор ободонлаштириш ишларини бажарадилар.

Колхозимизнинг автомобиль ва қишлоқ хўжалик машиналари гаражлари ҳам бугун жуда гавжум бўлади. Бундан ташқари, янги қурилган правление биноси ва болалар боғчаларида ҳам атроф-майдонларни тозалаш, янги гулзорлар ташкил этиш, турли хил мевали ва манзарали дарахтлар ўтказиш учун юзлаб кишилар тонг саҳарлаб ишга отланишади.

Маълумки, бу йил об-ҳаво ноқулай келганлиги туфайли чигитни ернинг намига ундириб олишнинг иложи бўлмади. Шунинг учун уч-тўрт кундан бери пахта экилган майдонларга чигит суви бериш қизғин давом эттирилмоқда. Сувчилар ҳам шанбалик ташаббускорлари билан бир сафда туриб, алоҳида меҳнат намунаси кўрсатиш учун ўз зиммаларига бир кунлик мажбуриятлар олдилар. 118 моҳир сувчи шанбаликда ишни смена асосида ташкил этиб, 73 гектар майдонни чигит сувига қондиришга аҳд қилди. Янги барпо этилган ва эски бедапояларнинг 12 гектарига биринчи сув берилади.

Дон ҳамда силос учун экилган маккажўхори айни кунларда барқ уриб ривожланмоқда. 15 сувчи шанбалик куни 12 гектар ердаги маккажўхорини қондириб суғоришга сўз берди. 14 сувчи эса колхозимиз территориясидаги барча тутзорларни тўла суғориб бўлиш мажбуриятини олди.

Колхоз правлениеси, партия ва касаба союз ташкилотлари хўжалик аъзоларини шанбаликка оммавий сафарбар этиш, шу куни улар учун барча шароитларни яратиб бериш тадбирларини аввалдан тузиб қўйган. Шанбалик давом этаётган ҳар бир участкада иссиқ овқатлар ташкил этилади.

Шанбаликда жами 2500 сўмлик иш бажариш мўлжаллаб қўйилган. Колхозчиларимиз ана шу маблағнинг ҳаммасини беш йиллик фондига ўтказишга қарор қилишган.

**М. ҚОСИМОВ,**
**Юқори Чирчиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз партия ташкилотининг секретари.**

# СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯНИНГ ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗИ

**(В. И. ЛЕНИННИНГ «ҲОЗИРГИ РЕВОЛЮЦИЯДА ПРОЛЕТАРИАТНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА» (АПРЕЛЬ ТЕЗИСЛАРИ) АСАРИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА)**

ШОНЛИ 1917 йилнинг шукуҳли 3 апрель оқшоми. Петроградннг Финляндия вокзалидаги катта майдон одамлар билан тўлиб-тошган.

Бу ерга кўплаб партия ташкилотларининг активистлари, революцион ишчилар, жангу жадаллардан тинкаси қуриган солдатлар ва матрослар тўпланишган. Улар узоқ йиллар мажбуран сиёсий муҳожирликда бўлиб, энди имконият туғилиши биланоқ дарҳол Россияга отланган ўз доҳийларини, азиз Владимир Ильични орзиқиб кутишмоқда. Вокзал майдонига тўпланганлар бамисоли «чайқалиб турган одамлар денгизи»ни эслатар, вақт ярим кечага яқинлашиб қолган эса-да, улар кетишни ўйламас, аксинча, «денгизига янги-янги «ирмоқлар» келиб қўшилмоқда» эди. «Россиядаги янги вазият ҳақида, революцион кураш тўғрисида, партия ва халқнинг навбатдаги вазифалари ҳусусида доҳий нима деркин?» — йиғилганларни шу ва шунга ўхшаш талай саволлар, муаммолар қизиқтирар, ҳаяжонга соларди. Муаммоларнинг барчасига Владимир Ильич аниқ ва равшан жавоб бержагига уларнинг ишончи комил эди...

Тўққиз йиллик муҳожирликдан қайтиб, она диёр заминига қадам қўйган Владимир Ильич бағоят самимий ва илиқ кутиб олган ватандошларининг меҳри товланиб турган чеҳраларига, қувонч жилваланиб турган нигоҳларига боқаркан, вужудини аллақандай ҳузур-бахш туйғу чулғаган-да, бироз ҳаяжонланиб, энтикди... Кучли қарсаклар ва қувончли хитоблар остида эпчиллик билан броневик тепасига чиқди-ю, теварак-атрофга кўз югуртиб, бир лаҳза суқут сақлади. Шу он одамлар ғовуридан жунбушга келиб турган майдон сув қуйгандек жимиб қолди. Ҳамма-ҳамманинг кўзи доҳийда, улар Владимир Ильичнинг ҳар бир сўзини жон қулоғи билан тинглашга шайланган эдилар.

В. И. Ленин аввало қаҳрамонлик мўъжизалари кўрсатиб, Россияни чоризмнинг кўп асрлик ҳукмронлигидан халос этган революцион пролетариат ва солдатларни қизғин табриклади ва ўз нутқини «Яшасин социалистик революция!» деган оташин чақириқ билан тугаллади. Ана шу биргина оддий жумла, ихчам шиор ва янгироқ чақириқ замирига доҳий айтмоқчи бўлган ҳамма гаплар жо бўлганди. Демак, кураш давом этарди!

Шу куни ярим тундан оқкан бўлишига қарамай Владимир Ильич дам олишни ҳаёлига ҳам келтирмади, тўғри партиянинг Марказий ва Петербург комитетлари жойлашган Кшесинская саройига йўл олди. У ерда тўпланган меҳнаткашлар олдида балкондан туриб бир неча бор қисқа-қисқа нутқ сўзлади. Шу кечанинг ўзида бу ерга йиғилган партия ходимлари билан кенгаш ўтказди, ҳозирги момент ва келгуси вазифалар тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини баён қилди. Партиямизнинг таниқли арбоби, кенгаш қатнашчиси А. А. Андреевнинг хотирлашича, В. И. Ленин ҳозирги вазиятни ва истиқболдаги режаларни шу қадар лўнда ва равшан, шу қадар аниқ ва ишонарли қилиб тасвирлаб бергандики, кенгаш қатнашчилари тонгга яқин куч-қудратга тўлиб, «бамисоли қанот пайдо қилгандек бўлиб» тарқалишганди.

4 апрель куни В. И. Ленин Таврия саройида бутун Россия Советлар кенгашининг большевик делегатлари йиғилишида, сўнгра эса, ўша кенгашда қатнашаётган большевиклар билан меншевикларнинг қўшма мажлисида доклад қилди. Ана шу доклад — доҳийнинг машҳур Апрель тезислари эди. Тезислар «Ҳозирги революцияда пролетариатнинг вазифалари тўғрисида» деган сарлавҳа остида изоҳлар билан «Правда»нинг 7 апрель сонида босилиб чиқди. Сўнгра уни бошқа большевистик газеталар ҳам кўчириб босдилар. 10 та тезисдан иборат бу доҳиёна ҳужжат партияни буржуа-демократик революциядан социалистик революцияга ўтиш учун курашнинг илмий жиҳатдан асосланган плани билан қуроллантирди, Россиянинг ўша даврдаги ўзига хос шароитида партия тактикасини белгилаб берди. Бу — тезислардаги асосий ва марказий момент эди.

Тезисларда Россия халқларини ва бутун дунё меҳнаткашларини тўлқинлантириб турган энг муҳим ва энг жиддий масала — урушга муносабат масаласи атрофлича таҳлил қилиб берилди. Муваққат ҳукумат буржуа ҳукумат характерида бўлганлиги сабабли Россия олиб бораётган уруш мазкур ҳукумат вақтида ҳам ҳеч сўзсиз босқинчилик урушги, империалистик уруш бўлиб қолди. Ленинниг таъкидлаб кўрсатишича, капитал ҳокимиятини ағдармасдан туриб, давлат ҳокимияти пролетариатнинг ва пролетариатга ёндошувчи энг камбағал деҳқон табақаларининг қўлига ўтмасдан туриб, бу урушдан чиқиш мумкин эмас. Фақат пролетариат ҳокимиятигина халққа сулҳ, нон ва эркинлик бериши ва мамлакатни социализм йўлига олиб чиқиши мумкин эди.

Ленин ўзининг «Апрель тезислари»да Париж Коммунасининг ибратли сабоқларини ва Россиядаги икки революциянинг бой тажрибасини ўрганиш асосида «Советлар — пролетариат диктатурасининг сиёсий формаси» деган ғояни илгари сурди. Владимир Ильич: «Парламентар республика тузиш керак эмас, — ишчи депутатлари советларидан парламентар республикага қайтиш орқага қайтиш бўлар эди, — балки бутун мамлакатда, қуйидан то юқоригача ишчи, батрак ва деҳқон депутатлари Советлари республикасини тузиш керак», — деб, таъкидлади. Советлар республикаси ҳақидаги таълимот Владимир Ильичнинг буюк илмий кашфиёти эди. Бу кашфиёт 1917 йилнинг октябрида социалистик революциянинг ғалабасини таъминлаш, мамлакатимизда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва социализм қуриш учун, шунингдек, Европа ва Осиёдаги халқ демократияси мамлакатларида, озодлик ороли — Кубада ишчилар синфи диктатурасининг сиёсий формаларини ишлаб чиқиш учун курашда оламшумул тарихий аҳамият касб этди.

«Апрель тезислари»да большевикларнинг партиясининг иқтисодий программаси ҳам баён қилиб берилган эди.

Аввало, помешчикларнинг ҳамма ерларини мусодара қилиб, мамлакатдаги барча ерларни национализация этиб, ерни батрак ва деҳқон депутатлари Советлари ихтиёрига бериш, йирик помешчикларнинг мусодара қилинган ерларида батрак депутатлари Советининг назоратлари остида ва жамоат ҳисобига намунали хўжаликлар барпо этиш; иккинчидан, мамлакатнинг ҳамма банкларини битта умумдавлат банки қилиб дарҳол бирлаштириш ва бу банк устидан ишчи депутатлари Советларининг назоратини ўрнатиш, учинчидан, жамият ишлаб чиқаришни ва маҳсулотларни тақсимлаш устидан ишчилар назоратини ўрнатиш керак.

Владимир Ильич «Апрель тезислари»да партияни мустаҳкамлаш, унинг жанговарлик қобилиятини кучайтириш тўғрисида қайғурди. Шу мақсадда В. И. Ленин дарҳол партия съездини чақириш, партия программасини қайта кўриб чиқиш, партия номини ўзгартириш талабини илгари сурди. «Биз ўзимизни Коммунистик партия деб атаморимиз лозим, — Маркс, Энгельс ҳам ўзларини шундай деб атаган эдилар», — деб уқтирди улуғ доҳий. Бу ном илмий жиҳатдан тўғри ном бўлар, негаки, пролетариат партиясининг пировард мақсади коммунистик жамият қуришдан иборат эди.

В. И. Ленин ўз асарида рус революциясининг барча асосий масалаларини, Россия пролетариати ва большевиклар партиясининг вазифаларини халқаро ишчилар ҳаракати билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда баён этди. Тезисларда Учинчи, Коммунистик Интернационални тузиш таклифи илгари сурилди; у халқаро пролетариатнинг чинакам ташкилотчисига, унинг жанговар марказига айланиши керак эди. Шундай ҳам бўлди.

Ижодий марксизмнинг нодир асари бўлмиш «Апрель тезислари» ғоят мураккаб шароитда партияга янги, чинакам марксистик революцион йўлни кўрсатиб берди, партияни жуда катта сафарбарлик кучига эга бўлган янги тактик шиорлар билан қуроллантирди. Социализм бир мамлакатда ғалаба қилиши мумкин, деган ленинча доҳиёна таълимот шу тезисларга асос қилиб олинган эди. Доҳийнинг мўъжизакор тезислари социалистик революциянинг йўлчи юлдузи янглиғ партияни зафарли кураш йўлига бошлаб чиқди ва оқибат натижада Улуғ Октябрнинг оламшумул ғалабасига олиб келди.

Орадан олтмиш йил ўтди, бироқ «Апрель тезислари»да илгари сурилган етакчи ғоялар актуал ва жарангдордир. Доҳиёна тезислар бугунги кунда курраи заминнинг турли чекkаларида ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашга отланганларнинг йўлбошчиси — коммунистик ва ишчи партиялари қўлида ўткир ва жанговар қуролдир.

**Воҳид АБДУЛЛАЕВ,**
**В. И. Ленин номидаги Тошкент ДУ журналистика факультетининг доценти.**

## Беш йиллик фондига

МАМЛАКАТИМИЗДА В. И. Ленин туғилган кун олдидан коммунистик шанбалик ўтказиш анъана тусига кириб қолган. Ҳар йили бу шанбаликларда минглаб, миллионлаб сўмлик маблағ жамғарилади. Бу маблағлар эса халқ манфаати учун, совет кишиларининг фаровонлигини ошириш учун сарфланмоқда. Шанбаликлардан тушган маблағ ҳисобига мактаблар, болалар боғчалари, поликлиника ва шифохоналар ҳамда бошқа жамоат бинолари барпо этилаяпти. Жумладан, Ангрен шаҳрининг V-I «а» микрорайонида 280 ўринли болалар боғчаси-яслисининг пойдевори қўйилди. Бу иншоотнинг қурилишига 1976 йил 17 апрелда ўтказилган шанбаликдан тушган маблағдан 286 минг сўм ажратилган. Янги мактабгача болалар муассасаси шу йилнинг учинчи кварталида фойдаланишга топширилади.

— Коммунистик шанбаликлардан тушадиган маблағ ўзимиз учун сарфланмоқда, — дейди Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ангрен» кўмир разрезининг экскаватор-чилар бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хўжа Алиқулов. — Бу ўз қадрдон шаҳримизда фарзандларимиз учун бунёд этила бошлаган ана шу боғча-ясли мисолида яққол кўриниб турибди. Бундан руҳланган разрезимиз коллективи 16 апрелда уюшқоқлик билан меҳнат қилишга сўз бердилар. Коллектив шу куни 13 минг тонна кўмир қазиб чиқаради.

Шунингдек, минглаб ангренлик кончилар, энергетиклар, қурувчилар, цементчилар, керамикачилар шанбаликда фидокорона меҳнат қилиш режаларини тузиб олишди.

Қизил шанбаликда шаҳар саноати жами 445 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради, қурилишда 154 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади. Автохўжаликларнинг коллективлари 35 минг тонна халқ хўжалик юкларини ташиб беришга қарор қилишди. Ангренликлар ўнинчи беш йиллик фондига 47 минг сўм маблағ ўтказадилар.

Ф. ПЕТРОВ.

# СТРАТЕГИК ҚУРОЛЛАРНИ ЧЕКЛАШ—ҲАЛ ҚИЛИНИШИ МУМКИН ВА ЛОЗИМ БЎЛГАН ПРОБЛЕМА

Яқинда Москвада бўлиб ўтган Совет—Америка музокараларининг якуни жаҳон жамоатчилигининг диққат-марказида турибди. Ғарбда, аввало АҚШда томонларнинг позицияларини объектив баҳолаш билан бирга, турли-туман уйдирмалар тарқатилмоқда, уларда фикр айрибошлаш моҳияти бузиб кўрсатилмоқда.

Маълумки, Москвадаги музокараларда стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги янги шартномани тайёрлашни ниҳоясига етказиш тўғрисидаги масала асосий ўринни эгаллаган эди. Бу, ҳеч бир шубҳасиз, СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатлардагина эмас, балки ядро уруши хавфини камайтириш, тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ишида ҳам ҳаётий муҳим аҳамиятга молик проблемадир. Бу проблемага бутун жаҳонда катта қизиқиш билан қараётганлигининг боиси ҳам мана шунда.

Расмий Вашингтон буни тушунган ҳолда, Америка томонининг позициясини оппок қилиб кўрсатишга ва бу масала юзасидан олиб борилган музокараларда ижобий натижалар йўқлигига гўё Совет Иттифоқи айбдор деб кўрсатишга уринмоқда.

Бироқ ҳақиқий аҳвол бунинг тамоман тескари эканлигидан далолат бермоқда. Совет Иттифоқи 1974 йил ноябрь ойида Владивостокда олий даражадаги учрашув пайтида стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги СССР билан АҚШ ўртасидаги битим бўйича янги шартнома тайёрлаш ва имзолаш ҳақидаги, томонлар ўртасида 1975—1976 йилларда кейинчалик олиб борилган расмий музокараларнинг натижаларига биноан, бу ишни пайсалга солмай тезда ниҳоясига етказиш учун изчил кураш олиб борди ва курашмоқда. Совет Иттифоқининг бу йўли Л. И. Брежневнинг яқинда сўзлаган бир қанча нутқларида, шу жумладан бу йил 18 январда Тулада сўзлаган нутқида ҳамда Совет касаба союзларининг съездида шу йил 21 мартда сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтилди. Совет томони яқинда АҚШ давлат секретари С. Вэнс билан Москвада олиб борилган музокараларда ҳам худди шу йўлга амал килди.

Совет Иттифоқи позициясининг моҳияти ҳамда ушбу музокараларда Америка томони таклифларига берилган принципиал баҳо Совет раҳбарлиги номидан А. А. Громико шу йил 30 мартда ўтказган матбуот конференциясида баён қилинди. Айни пайтда, янги шартномада тенглик ва томонларнинг бирдек хавфсизлиги ўзининг изчил ифодасини топиши керак, шартномада стратегик ҳужум қурол-яроғлари пойгаси чекланиш, самарали жиловланиши лозим, шу билан бирга ҳеч бир томонга бир томонлама имтиёзлар берилмаслиги лозим деб таъкидланди.

Совет Иттифоқи ўзининг қонуний манфаатлари поймол этилишига сира йўл қўймайди, ва унинг ҳавфсизлигига зарар келтирадиган шартномага сира ҳам имзо чекмайди.

Владивостокда эришилган келишувнинг асосий мазмуни худди шундан иборатки, стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги битимнинг асосий моддаларида мазкур соҳада келишиб олинган пайтда ва унинг ҳаракат қилиш муддати истиқболида стратегик вазиятнинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда томонларнинг ўзаро бир-бирига мақбул манфаатлари мустаҳкамлаб қўйилиши лозим эди. Владивостокда бўлиб ўтган учрашувдан кейин стратегик вазиятда ўшанда қабул қилинган қарорга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бирон бир ўзгариш юз бергани йўқ. Бинобарин, мана шу қарорларнинг ўзини қайта кўриб чиқишнинг сира эҳтиёжи йўк, тенглик ва томонларнинг бирдай хавфсизлиги асосида стратегик қурол-яроғлар пойгасини жиловлаш юзасидан самарали тадбирларни амалга оширишни таъминловчи илгари қабул қилинган ёндошувни қайд қилиб чиқишнинг эҳтиёжи йўк.

Шу билан бирга Совет Иттифоқи Владивостокда келишиб олинган чеклашлар мамлакатларнинг ядро пойгасини чеклаш ва уруш хавфини камайтириш йўлида олиб бораётган куч-гайратига қандайдир тугалланган босқич деб қарагани йўқ ва қарамаяпти ҳам. Маълумки, хозироқ томонлар янги шартнома имзоланганидан кейин стратегик қурол-яроғларни чеклаш ва қисқартириш соҳасида янги қадамлар қўйиш ҳақида музокараларни давом эттириш тўғрисида келишиб олишди. Совет Иттифоқи ҳамон ўз сўзида турибди. Л. И. Брежнев Тулада сўзлаган нутқида шуни таъкидладики, СССР «стратегик қурол-яроғларни чеклаш масалаларида янада олға боришга тайёр. Бунинг учун аввал ҳозиргача эришилган натижаларни мустаҳкамлаб олиш. Владивостокдаги аҳдномаларни рўёбга чиқариш керак бўлади, бунинг устига муваққат битим муддати шу йил октябрда тугайди. Сўнгра бундан ҳам каттароқ тадбирлар тўғрисидаги музокараларга дарҳол ўтиш мумкин бўлади. Акс ҳолда ҳозир муҳокама этилаётган масалалар ёнига ўз-ўзидан янги масалалар қўшилиб, вазифанинг умуман ҳал этилиши баттар чигаллашиб ва чўзилиб кетиши мумкин».

Янги шартномани тайёрлашни ниҳоясига етказиш масаласида Америка томонининг позицияси қандай? АҚШ давлат секретари Москвага музокаралар олиб бориш учун қандай таклифлар билан келди?

Аввало, Вашингтоннинг янги маъмурияти аввал бошданоқ ўзини шундай тутдики, гўё у Владивостокда эришилган аҳдномага зид ўлароқ стратегик ҳужум қурол-яроғларини ишлаб чиқариш ва уларнинг янги турини кўпайтиришга йўл очиб қўйилган бўлур эди. Узоқ масофага учадиган қанотли ракеталар учириладиган жойга сув ости кемаларида ва сув усти кемаларида, самолётларда ёки энг янги бомбардимончи самолётлар паноҳида олиб келтириладими, улар стратегик қурол-яроғлар тоифасига кириши шубҳа туғдирмайди. Америка ҳужжатларида булар худди шундай таърифланади.

Вашингтонда стратегик қурол-яроғларни «оқилона» тарзда қисқартириш ва ядро қуролига тобе бўлишни камайтириш фойдасига гапирилаётган баландпарвоз, аммо сохта гаплар агар амалда сақланиб қоладиган қитъалараро баллистик ракеталар, сув ости кемалари ва оғир бомбардимончи самолётлардаги баллистик ракеталар билан бир қаторда стратегик қурол-яроғларнинг тўртинчи компоненти яратилиб қолса, яъни одамларга ядро ажали билан таҳдид қилувчи минг-минглаб узоққа учадиган қанотли ракеталар яратилгудек бўлса, бу сўзларнинг баҳоси неча пуллик бўлади?

Владивосток аҳдномасидан келиб чиқиб ва стратегик ҳужум қурол-яроғлари пойгасининг янги каналини ёпишга интилиб, Совет Иттифоқи узоққа учириладиган қанотли ракеталарни қатъиян чеклашни талаб қилди ва талаб қилмоқда.

Томонлар тайёрланадиган битимларга қанотли ракеталарни қатъиян чеклаш масаласидагина принципиал келишиб олиш билан бирга, биргаликда 1975—1976 йиллардаги музокаралар жараёнида бундай чеклашларнинг конкрет вариантларини ҳам ишлаб чиқишган эди.

Бугина эмас, «ҳаво-ер» қанотли ракеталарига нисбатан формула келишиб олиниб, бунга кўра оғир бомбардимончи самолётлар 600 километрдан узоқ масофага учувчи қанотли ракеталар билан қуролланган тақдирда (уларнинг ҳар бири ўнлаб шундай ракеталарни олиб учиши мумкин) улар ажраладиган бош қисмларга тенглаштирилиб, шундай ракеталар даражасига тегишинча равишда ҳисобга олинажаги айтилган эди.

Денгиз ва ер устида жойлашган қанотли ракеталарга келганда шуни айтиш керакки, бу масала шундай ракеталарга чеклашлар қўйиш хусусида очиқ қолдирилган эди. Совет Иттифоқи ўз томонидан 600 километрдан узоққа учириладиган бундай ракеталар умуман ман этилишини таклиф қилди ва таклиф қилмоқда.

Энди бўлса Вашингтоннинг янги маъмурияти озмунча куч-гайрат сарфлаб ҳозирги вақтгача олиб борилган музокараларда эришилган ҳамма нарсани батамом бир чеккага улоқтириб ташлаб, Американинг олдинги позицияларини бутунлай қайта кўриб чиқишга интилмоқда. Америка томони 2500 километр масофага алтадиган уч турдаги барча қанотли ракеталарни ишлаб чиқаришни авж олдириб юбориш учун тўла эркинликка эришишни талаб қилмоқда. Маълум бўлишича мана шу талаб қанотли ракеталарга «қатъий чеклашлар» бўлар эмиш, аллакимдар Вашингтонда Американинг «таклифлар йиғиндиси» тариқасида тақдим этаётган таклифлари мана шундан иборат.

Тайёрланаётган битимга гўё «қурол-яроғнинг ҳар қандай янги системаларини» яратишни ман қилувчи қоидаларни қўшиш тўғрисида Америка томонининг таклифидан ҳам АҚШда нуқул пропаганда мақсадида, аниқроқ қилиб айтганда, алдамчилик мақсадларида фойдаланилмоқда.

Бироқ ҳақиқатда Америка томони сира ҳам умуман қурол-яроғларнинг янги системаларини эмас, балки фақат қитъалараро баллистик ракеталарнинг янги турларини яратишни ман қилишни таклиф этган эди. Америка томони масалан, Совет томонининг «Трайдент» типидаги сув ости кемалари ва АҚШда Б—1 типидаги стратегик бомбардимончи самолётларни ва СССРда ҳам худди шундай системадаги қуроллар сингари қурол-яроғларнинг янги турларини ман қилиш тўғрисида Совет томонининг таклифларига қулоқ солишни ҳам хоҳламаяпти. Ҳолбуки, бундан илгари бир неча марта эслатиб ўтилганидек, бу таклифлар ҳали ҳам ўз кучида турибди. Хўш, нима учун бу таклифларни эшитишни хоҳламаяптилар, деган савол келиб чиқади. Чунки Пентагоннинг планига кўра «Трайдент» сув ости кемаларига ўзининг узоқ масофага бориши ва самарадорлигига жиҳатидан қитъалараро баллистик ракеталардан қолишмайдиган ракеталарни ўрнатиш мўлжалланмоқда; чунки янги Б—1 бомбардимончи самолётлар Американинг мавжуд бомбардимончи самолётларига қараганда ўз имкониятларига жиҳатидан анча устун туради. Ҳозирги вақтда Вашингтон қаттиқ туриб таклиф этаётган узоқ масофага учадиган қанотли ракеталар ҳам охир қурол-яроғнинг янги системалари эмасми?

«Қурол-яроғларнинг ҳар қандай янги системасини» ишлаб чиқаришни ман этишга АҚШнинг тайёр эканлиги тўғрисидаги баёнотларнинг чинакам маъноси мана шу.

Мавжуд қитъалараро баллистик ракеталарни янгилашни ман этиш тўғрисидаги таклиф ва АҚШда «гоят оғир» ёки «гоят самарали» деб аталган Совет ракеталарни сонини икки баравар камайтириш тўғрисидаги талаб сингари Америка «таклифлари йиғиндиси»даги таклифлар Совет Иттифоқининг хавфсизлик манфаатларига хилоф равишда, бундан илгари эришилган аҳдларни ревизия қилишга уринишдан бошқа нарса эмас. Ҳолбуки, бу масалалар шу муносабат билан бундан илгари қараб чиқилган бошқа проблемалар комплексида ҳар икки томон учун мақбул асосларда ўзаро келишиб олинган ва ҳал этилган масалалардир. Эндиликда бизнинг маълум ракеталаримиз АҚШда кимларгадир ёқмаганлиги учунгина проблемаларни устма-уст қўйишга, янги битимлар тузиш йўлида янги-янги тўсиқлар келтириб чиқаришга уринишдан бошқача баҳо бериш мумкин эмас. Ҳозир музокараларда проблемаларни янада мушкуллаштириш мақсадида шунга уринмоқдалар.

Хуллас, гўё қурол-яроғларни чеклаш ва қуролсизланиш масалаларида янги таклифлар деб ҳаммаёққа жар солинган Америка «таклифлар йиғиндиси» чуқурроқ қараб чиқилган вақтда бирон-бир конструктив негизга эга бўлиш у ёқда турсин, умуман уларни жиддий равишда муҳокама қилиш ҳам мумкин эмаслиги тамомила аён бўлиб қолди. Бу таклифлар шундай чуқур муҳокама учун мўлжалланган таклифлар ҳам эмас. Москвада АҚШнинг давлат секретари С. Вэнсга яширин суҳбатлар вақтида ҳам, шунингдек СССР ташқи ишлар министрининг матбуот конференциясида кўпчилик ўртасида ҳам бу тўғрида очиқ-ойдин айтилган эди. Шунинг учун ҳам гўё Совет томони ҳали ўзининг узил-кесил жавобини берган эмас ва Американинг янги таклифлари «тамомила ўзгарган» таклифлар бўлганлиги туфайли уни фаҳмлаб олиш учун гўё муайян вақт керак, деган тасаввур ҳосил қилишга баъзи бировлар бежуда уриниб кўрмоқдалар.

Бу таклифларнинг маъноси тамомила равшан — бу таклифлар Владивостокдаги аҳдларни бошдан-оҳиригача ревизия қилишдан иборат бўлиб, битимга олиб бораётган йўлга қўйилган янги тўсиқлардир. Ҳозирги вақтда АҚШда Америка томони ўз позициясининг очиқдан-очиқ номақбул эканлигини тушунганлигини эътироф қилувчи гап-сўзлар чиқаётганлиги ҳам бежиз эмас. Хўш, модомики шундай экан, бу позицияни Москвага олиб келишнинг нима ҳожати бор эди, деган савол келиб чиқади. Наҳотки, кейинчалик иккинчи томон «сира ён босмаяпти» деб айтиш учунгина бу таклифлар илгари сурилган бўлса? Бундай тактиканинг натижаси аён: музокараларда силжиш йўқ. Шу билан бирга пропаганда мақсадида кузатилган самарага ҳам эришилганича йўқ.

Америка томони Москвада битимнинг «тор» вариантини деб аталган нусхасини ҳам ўртага қўйди. Аммо бу вариант ҳам Владивосток аҳдномасини ва шундан келиб чиқадиган кейинги Совет—Америка аҳдномаларини ревизия қилишни билдирар ҳамда стратегик қуролларни чеклаш тўғрисидаги Совет—Америка музокараларининг мақсади ва вазифаларининг ўзига мутлақо мос келмас эди.

Шуни айтиш кифоя қиладики, шу вариантга мувофиқ ҳамма қанотли ракеталар битим доирасидан четда қолдирилган бўлур эди, яъни уларнинг миқдори жиҳатидан ҳам, ҳаракат олислиги жиҳатидан ҳам ҳеч қандай чеклаш жорий этилмаган бўлур эди. Уларнинг исталган турларини хоҳлаганча ясай бориш мумкин бўлиб қолур эди.

Қанотли ракеталар проблемасини кейинчалик—шундан сўнгги музокараларда кўриб чиқиш тўғрисидаги ваъда эса, ҳеч қандай наф бермайдиган қуруқ ваъдадан бошқа нарса эмас. Стратегик қуроллар пойгасининг шу янги хатарли каналини ҳозир, қанотли ракеталар ҳали ишлаб чиқаришга тушириллмаган бир пайтда тўсиш тўғрисида келишиб олинмаса, уни ишлаб чиқариш бошланиб кетгандан кейин бу ҳақда келишиш анча қийинроқ бўларди. Қуролсизланиш масалаларига доир музокараларни олиб боришнинг бутун тажрибаси шуни яққол кўрсатиб турибди.

Табиийки, фақат шу сабабнинг ўзига кўра ҳам совет томони битимнинг бундай тарзда «торайтирилган» вариантига розилик бера олмади.

Бунинг устига, бу вариантни Совет Иттифоқи учун янада кўпроқ номақбул қилиб, чамаси, «масъулиятдан қочиш» истаги билан Америка томони, агар шундай бўлса, келгуси музокараларда қанотли ракеталар билан бир қаторда ғарбда «Бекфайер» деб аталган ўртача олисликка учувчи Совет бомбардимончи самолёти тўғрисидаги, яъни стратегик қуроллар категориясига кирмайдиган ва шу сабабли музокараларда муҳокама қилиниши лозим бўлмаган самолёт ҳақидаги масала ҳам муҳокама қилинсин, деб таклиф этди. Бу хусусда Америка томонига янг олий даражада неча марталаб ҳамма зарур изоҳлар берилди, шу сабабли бу масалани яна кўтариб чиқиш —ишни онгли ва қўшимча равишда чигаллаштиришни билдиради.

«Бекфайер» бомбардимончи самолёти тўғрисидаги масалани қанотли ракеталар билан боғлашни бир амаллаб асослашга уриниб, Вашингтонда бу самолётнинг ҳаракат радиуси (2.200 километр) тахминан қанотли ракеталарнинг учиш масофасига (2.500 километр) тўғри келади, деган важни кўрсатмоқдалар. Бундай боғлашнинг бемаънилиги равшан. Шундай ҳаракат радиусига эга бўлган Совет самолёти АҚШ территориясига етиб бора олмаслиги ҳатто мутахассис бўлмаган кишига ҳам аён. Мазкур олисликка учувчи қанотли ракеталарга келганда эса, манзара бошқача: бу ракеталар ҳақиқатан ҳам стратегик қуролдир, чунки уларни сув ости кемаларига, сув усти кемаларига, бомбардимончи самолётларга ёки АҚШга иттифоқчи бўлган мамлакатларнинг территориясига жойлаштириб қўйилса, СССР территориясидаги объектларни бемалол нишонга олиши мумкин. Албатта, ўз-ўзидан равшанки, бу ҳолда Совет Иттифоқи ҳам ҳар қандай қанотли ракеталарга исталган миқдорда ўз билганича эга бўлиши мумкин бўлур эди ва бунинг учун унинг ҳамма имкониятлари бор. Аммо у стратегик қуроллар пойгаси ва бунинг учун жуда катта маблағ сарфлашнинг ана шу янги каналини очилишига принцип жиҳатидан қаршидир.

Совет Иттифоқи Совет-Америка музокараларида муҳокама қилинаётган стратегик қуролларни чеклаш масалалари доирасига «Бекфайер» тўғрисидаги масалани ҳам, шунингдек АҚШ территориясига етиб бора олмайдиган бошқа Совет системалари ҳақидаги масалаларнинг ҳам киритилишини қатъиян рад қилиб келди ва рад қилаверади.

Иккинчидан, Американинг олдинги базаларидаги ядро воситалари тўғрисидаги, яъни Европада Европа атрофида ва Совет территориясига етиб келиш мумкин бўлган бошқа районларда жойлаштирилган ядро қуролни ва уни элтиш воситалари тўғрисидаги, шунингдек авиносецлардаги авиация ва АҚШ сув ости кемаларининг СССР яқинида жойлашган базалари ҳақидаги масалани ўртага қўйиш учун Совет Иттифоқининг ҳамма асослари бор. Стратегик ҳужум қуролларига чеклаш ўрнатиш пайтида, томонларнинг тенглиги ва баббаравар хавфсизлиги принципига қаттиқ риоя этилиши зарурлигини назарда тутиб, ана шу ядро воситалари ва ана шу омиллар ҳисобга олинмай қолмаслигига шак-шубҳа йўқ. Сўнгги Америка таклифларининг бирёқлама характерга эга эканлигини Совет томонининг Американинг олдинги базаларидаги воситаларни тўғрисидаги масалани ўртага қўйиши тўғрилигини яна бир карра тасдиқлайди.

Эслатиб ўтиб лозим бўлган яна бир масала бор. Бу масала — стратегик қуролларни бошқа мамлакатларга бермаслик тўғрисидаги ҳамда умуман имзоланиши лозим бўлган битимни четлаб ўтадиган бирон бир ҳаракат қилинмаслиги ҳақидаги масаладир. Бу—янги масала эмас. Совет томони ўз вақтида битимга киритиш учун бу тўғридаги конкрет иборани ҳам таклиф қилган эди. Аммо масаланинг моҳияти юзасидан америка томони ҳамон жавоб бермаганлиги сабабли совет томони битимни шу қоидаларсиз тузиб бўлмайди, деб ҳисоблаётганлигини таъкидлаш зарурати туғилади. Башарти учинчи мамлакатлар воситасида ёки бирон бир бошқа тарзда битимни четлаб ўтиш учун туйнук қолдирилса, бу битим ҳақиқатан ҳам самарали бўла олмайди.

Стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисида янги битим тузиш ҳақида СССР билан АҚШ ўртасида ўтказилаётган музокаралардаги ишларнинг ҳақиқий аҳволи ана шундай. АҚШ давлат секретари С. Вэнс Москвага олиб келган Америка таклифлари тўғрисидаги ҳақиқат ана шундай. А. А. Громикоининг шу йил 31 мартдаги матбуот конференциясида ҳам ана шуларнинг ҳаммаси ҳақида яққол ва ишонарли қилиб гапирилди.

Совет Иттифоқи ҳозир амалда бўлган муваққат битимнинг ўрнини оладиган ва стратегик ҳужум қуролларини чеклашга багишланган янги битим тузилишига қаратилган йўлни сабот ва қатъият билан ўтказмоқда.

Стратегик қуролларни чеклаш — СССР билан АҚШгагина эмас, дунёдаги барча халқларга ҳам тааллуқли бўлган катта проблемадир. Ана шу проблема ҳал этилиши мумкин ва лозим. «Ҳозирги замоннинг энг муҳим вазифаларидан бири — қуролланишт пойгасини, айниқса ядро қуроли билан қуролланишт пойгасини чеклаш вазифаси ҳал этилишига эришиш — бизнинг программавий мақсадимиздир»,—деган гапни Л. И. Брежнев шу йил 5 апрелдаги нутқида яна бир бор таъкидлади.

Стратегик қуролларни чеклаш юзасидан янги Совет-Америка битими устидаги ишни муваффақиятли тугаллаш учун зарур шарт-шароитлар бор. Бу битимнинг асосий параметрлари 1974 йилдаёқ Владивостокда белгилаб берилган эди; унинг кўпгина конкрет қоидалари кейинчалик ўтказилган олий даражадаги учрашувларда, шунингдек СССР билан АҚШ делегацияларининг Женевадаги музокараларида ишлаб чиқилди. Қилинган ишни муваффақиятли якунлаш томонлардан конструктивлик ва яхши ниятда бўлишнигина талаб қилади, холос.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ. Хомутов трубопрокат заводи Совет Иттифоқига бу йил 206 минг тонна миқдорида турли диаметрдаги нефть ва газ қувурлари етказиб беради. Бу корхона 30 йилдан буён ўз маҳсулотини СССРга экспорт қилиб келмоқда. Суратда: газ магистраллари учун қувурлар тайёрлаш пайти.

ЧТК—ТАСС фотоси.

## ДУНЁ ОВОЗИ
### ЧЕЙ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

### ДЎСТЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРАДИ

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистон ташқи ишлар министри А. Б. Важпаи Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатлари йўлида, тинчлик ва халқаро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида бундан кейин ҳам ривожлантираверади, деб ишонч билдирди.

А. Б. Важпаи Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан Ҳиндистон —Совет маданий алоқалар жамияти миллий кенгашига йўллаган мактубида Улуғ Октябрь социалистик революцияси эълон қилган янтимоий адолат ғоялари тараққиёт ва озодлик йўлига ўтиб олган ҳинд халқини ғоят қизиқтирганлигини таъкидлади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги самимий муносабатлар, дўстлик ва ҳамкорлик замон синовидан ўтди ва бизнинг халқларимиз учунгина эмас, балки бутун инсоният учун ҳам катта аҳамиятга эгадир, дейилади мактуб охирида.

### БИРДАМЛИК МАКТУБИ

ЛУАНДА. (ТАСС). Ангола Халқ Республикаси президенти Агостиньо Нетонинг Эфиопия муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши Раиси Менгисту Хайле Мариамга йўллаган мактубида бундай дейилган: империализм халқларнинг озодлик ва мустақиллик учун, тинчлик ва социал тараққиёт учун олиб бораётган курашига халақит беришга уриниб, ривожланишнинг прогрессив йўлини танлаб олган давлатлардаги контрреволюцион унсурларга, шунингдек ташқи реакция кучларига таянмоқда.

Эндиликда бу кучлар, дейилади мактубда, Эфиопияда барқарор вазиятни бузишга уринмоқда. Шу муносабат билан ангол халқи Эфиопия меҳнаткашлари, барча прогрессив кучлар билан бир сафда туриб умумий душман—империализмга қарши курашга қатъий аҳд қилганлигини билдиради. Мамлакатларимизда революцион жараёнларни мустаҳкамлаш мақсадида деб таъкидланади мактубда. биз империализмнинг кирдикорларига қарши монолит бирдамлигимизни кучайтиришимиз керак.

## ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

БЕЛГРАД. Югославияда мамлакатдаги халқлар ва элатларнинг улкан этнографик паркини барпо этиш плани ишлаб чиқилди. Бу парк ЮСФР географик марказида, Сараево шаҳри яқинида вужудга келтирилади. Шу йилнинг ўзидаёқ бир неча ўнлаб квадрат километр территориядa халқ меъморчилиги услубида бир неча бинони қуриш ишлари бошлаб юборилади. Бу биноларда музейлар, ҳунармандчилик устахоналари, лекторийлар, кино заллар жойлашади.

Парк марказида социалистик қурилиш даврида Югославия халқларининг қардошлик иттифоқи шарафига обелиск ўрнатилади.

БРЮССЕЛЬ. 1976 йилда Бельгиядаги корхоналар рекорд миқдорда инқирозга учради. Ҳафталик «Трендс» газетасининг маълумотларига кўра, бултур мамлакатда ўрта ва майда корхоналарнинг 2.451 таси инқирозга учраганлиги қайд этилади.

Қурилиш ва тўқимачилик саноатида инқирозга учраш ҳоллари айниқса кўп бўлган. 1976 йилда қурилиш саноатининг ўзидагина турли фирмалардан 592 таси ўз ишини тўхтатган.

ДАККА. Бангладеш ҳукумати мамлакатда рўй берган ҳалокатли довулдан зарар кўрган округларда уй-жойлар, электр таъминоти, телефон алоқасини тиклаш учун бир миллион такадан кўпроқ маблағ ажратди.

Табиий офат юз берган районларда 800 тоннадан кўпроқ дон, бинокорлик материалларни аҳолига тақсимлаб берилди.

ВАШИНГТОН. АҚШ ҳарбий-саноат комплекси ичида бир-бирига зўр бериб «кадрларни юбориш» давом этмоқда. Ўтган молия йилида Пентагоннинг юқори даражадаги офицерларидан 1.044 киши ҳарбий корпорацияларга ишга ўтган эди. Бу эса шундан аввалги йилдагига нисбатан 65 процент кўпдир. Мудофаа министрлигида лавозимларга эга бўлаётган корпорация амалдорларининг сони ҳам кўпайиб бормоқда: 1976 молия йилида уларнинг сони 120 процент ортди.

Сенатор У. Проксмайр ана шу маълумотларни келтириб, Пентагон билан ҳарбий саноат раҳбарлари ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиши ҳарбий ҳаракатларнинг ўсишига олиб келади, деб таъкидлади. Пентагон генераллари корпорациялар учун мўлжалланган кўп миллион долларлик буюртмаларни жон-жаҳдлари билан «танламоқдалар», чунки буниг эвазига директорлар кенгашида ўзларига жой берилишини биладилар.

ТУНИС. Бизерта шаҳрида Тунис хотин-қизлари миллий иттифоқи кенгашининг мажлиси ўтказилмоқда. Мажлисга мамлакатнинг барча вилоятларидан 350 хотин-қиз делегат бўлиб келган. Улар Тунис олий ўқув юртларида хотин-қизларнинг ҳунар-техника тайёргарлиги проблемаларини ва мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида хотин-қизларнинг ролини активлаштириш масалаларини муҳокама қилмоқдалар.

(ТАСС).


## ЗАИРДАГИ ВОҚЕАЛАР

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Киншасадан олинган хабарларга кўра, жанубий Шаба вилоятидаги халқ исёнини бостириш учун Заирга келган Марокаш қўшинлари Лубумбаши ва Колвезии шаҳарлари районида позициялар эгалладилар.

ЮПИ агентлигининг Киншасадаги хабардор манбаларга суяниб хабар беришича, «марокашликлардан Колвезидан тахминан 350 километр нарида жойлашган Ангола чегараси томонига ҳужум қилишда» фойдаланилади.

Конго миллий озодлик фронти матбуот учун берган баёнотида 1963 йилдан бери партизанлар ҳаракати тинчаётган Заирда ҳозир халқ қўзғолони бўлаётганлигини ўқтирди. Жанговар ҳаракатлар фронти 800 километрга чўзилган, қўзғолончилар контроль қилиб турган территория эса, майдони жиҳатидан Бельгия территориясига бараварлашади. Заир армиясининг бир неча бўлинмаси қўзғолончилар томонига ўтди, жазо берувчи қўшинлар ва чет эллик босқинчилар тинч аҳолидан ўч олмоқдалар, деб таъкидланади баёнотда.

Конго миллий озодлик фронти мамлакатнинг жанубидаги қўзғолонни бостиришда ғарбнинг Заир маъмурларига берган ҳарбий ёрдамини қатъиян қоралади. Биз дейилади баёнотда Конго халқи тараққиёт йўлини ўзи танлаб олиш ҳуқуқига эга деб ҳисоблаймиз. Биз Конгода демократик муассасалар вужудга келтиришни хоҳлаймиз.





ОЛМА ГУЛЛАГАНДА...

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоэтюди.

## Б А Ҳ О Р

Баҳор тонги уфқи узра ғайрат билан чиқар қуёш,
Нур тиғидан карвон-карвон булут кўчди кўзида ёш.
Ҳушманзара кўринади кўзга олам бу тонгларда,
Жилва айлар гўзал бўлиб, тоғлар аро ҳаттоки тош.
Қирда чечак, тоғда лола,боғларда гул, гул мавсумда
Сир тутолмай қушлиқ айтиб, булбул айлар ишқини фош.
Баҳор фаслин гўзаллиги ёр жамолин яшнатибди,
Юз лоларанг, сарвдек қад, дилни ўртар ул кўз-у-қош.
Гўзалликни шайдосиман, гуллай бер, эй она диёр,
Ҳуснингга гард қўнса олай, киприк билан бўлиб фаррош.
Этик кийиб, белин боғлаб, деҳқон чиқар даласига,
Дилда меҳнат иштиёқи, тугаб қишки сабру бардош.
Гоҳ сўрарлар Деҳқонийдан «устозинг ким?» — дедим баҳор,
Нафосату гўзалликлар бўлди мудом менга йўлдош.

Тўхтамурод ДЕҲҚОНИЙ.

## ШИФОКОРИМ ДЕГИН...

(ҲАЗИЛ)

Сенга қулоқ солмоқ вазифам,
Гоҳ тонггача қолмоқ вазифам.
Қалбингнн олмоқчи эмасман,
Лекин дардинг олмоқ вазифам.

Беморликдан чекканда алам,
Берган бўлсам дардингга малҳам.
Маҳбуб бўлиб кўринмай сенга,
Шифокорим дегин, азизам.

Иброҳимжон МУСАЕВ.


## Реклама ва эълонлар

«ТОШКЕНТ ПАССАЖИРСКИЙ» СТАНЦИЯСИНИНГ

2-ВАГОН ДЕПОСИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 155-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ҚОШИДА ПАССАЖИР ВАГОНЛАРИНИНГ ПРОВОДНИКЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 18—35 ЁШЛИЛАР (поездлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган ишларда ишлаш учун соғлиғи тўғри келадиганлар) ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚУВЧИЛАРГА — ҲАР ОЙДА 90 СЎМГАЧА СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестат ёки маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, медицина справкаси.

ПАСПОРТ ВА ҲАРБИЙ БИЛЕТ ШАХСАН КЎРСАТИЛАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР ҲАР ОЙНИНГ 1 КУНИДА БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адреслар: Тошкент шаҳри, Привокзальная кўчаси, 7-уй, Ўрта Осиё темир йўлининг Тошкент бўлими, кадрлар бўлими; Б. Хмельницкий кўчаси, 90-уй, 2-вагон депоси, кадрлар бўлими. Телефонлар: 392-54-316, 392-54-325, 392-35-69.


## Бизнинг ахборот

БОЛАЛАР ШОИРИ—

ЎҚУВЧИЛАР

МЕҲМОНИ

ЎҚУВЧИЛАР бу учрашувга байрамдагидек ҳозирлик кўришди. Улар севимли шоирлари Қуддус Муҳаммадий ва Илёс Муслимлар мактабга меҳмон бўлиб келишларини эшитиб, адибларнинг шеърларидан ёд олишди, мактаб клубини безатишди.

Тошкент шаҳар китобсеварлар кўнгилли жамияти томонидан Улуғ Октябрь революциясининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилган бу учрашув Чилонзор районидаги Мичурин номли 203-мактаб ўқувчиларига жуда манзур бўлди. Кечага меҳмон бўлиб келган шоирлар ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда китобнинг роли, шаҳар китобсеварлар кўнгилли жамиятининг ўқувчилар орасида олиб бораётган тарбиявий ишлари ҳақида ҳикоя қилиб беришди, сўнгра ўзларининг янги ёзган шеърларидан намуналар ўқиб бердилар.

М. ТЎРАБЕКОВ.

КЎРИК-КОНКУРС

ҲАДЕМАЙ шаҳримиздаги маданият ва истироҳат боғларида янги мавсум бошланади. Юбилей йили мавсумини намунали ўтказиш мақсадида коллективлар ўртасида республика кўрик-конкурси белгиланди.

Улуғ Октябрь революциясининг шонли 60 йиллигига бағишланган бу муҳим маданий тадбир Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги билан республика ЛКСМ Марказий Комитети томонидан амалга оширилаётир.

Кўрикка шу йилнинг ноябрь ойида якун ясалади. Меҳнаткашларни коммунистик тарбиялашда, оммавий дам олишни уюштиришда ҳамда намунали маданий хизмат кўрсатишда яхши фаолият кўрсатган коллективлар голиблар деб топилади.

КЎРКАМ БИНОЛАР

Шаҳримиз тобора чирой очмоқда. Унинг кўркам бўлишида сўзсиз қўли гул бинокорларнинг ҳиссаси катта бўлаяпти. Энгельс кўчасида яна бир беш қаватли мухташам бино қад ростлаяпти. Ижтимоий фан ўқитувчилари малакасини ошириш институти учун қурилаётган корпусда ўқув хоналари, ётоқхона, кино зали, кутубхона, ошхона ҳамда бир қатор методик кабинетлар жойлашади.

Бинокорлар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмаси учун ҳам беш қаватли бино қуришмоқда. Бу биноларда ҳозирда пардозлаш ишлари ниҳоясига етмоқда. Пардозлаш трестининг 31-қурилиш бошқармасининг Ў. Азимов, Н. Шарипова, Т. Исмоилов, М. Гемадиев, С. Григорян каби сайқалчилари 1978 йил ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

С. СУЛТОНОВ.

# «ДЕНГИЗДАН ҚАТРАЛАР»

ЧЎЛДАГИ қишлоқларнинг бирида, ажойиб бир пахтакорнинг уйида ўтирар эдик. Суҳбат қизиб, эҳтиросларимиз кучайиб борар, деҳқонларнинг бу йилги жасорати, мардона меҳнати ҳаммамизни ҳаяжонлантирар эди. Дастурхон тузатилиб, нозу-неъматлар қўйилган бўлса-да, ҳеч ким дастурхонга қўл урмас, кимнингдир бетоқат кутилаётганлиги сезилиб турарди.

Ниҳоят, кутилган одам келди. У уйга шошилмай виқор билан кирди, тўғри тўрга ўтиб кетди.

Қизиб турган суҳбат совиди, кейин ўчди. Тўрдаги киши —бизнинг журналистлар эканлигимизни суриштириб билгач, адабиёт ҳақида у-бу гап қилди.

Унинг думоғдорлиги, ўзини ҳаммадан баланд тутиши ва энг ачинарлиси — билимга қизиқмаганлиги оппоқ даврага кора доғ бўлиб турарди. Шунда ёнимизда ўтирганлардан бири шивирлаб:

Амал тегса нодонга
Узин урар ҳар ёнга, —
деди.

Лўнда қилиб айтилган бу гап, теран маъноси ва даврадаги димоғдорнинг кимлигини, қанақа одамлигини мукаммал ифодалаши билан, дилимиздаги кўпгина саволларга жавоб бўлди.

Унутилиб кетган бу воқеа яқинда бир муносабат билан ёдимизга тушди.

Гап шундаки, журналист Эркин Сиддиқов тўплаган мақол, матал ва ҳикматли сўзлар — китоб ҳолида — «Денгиздан қатралар» номи билан чоп этилиб, мана қўлимизга тегди.

Бу китобда биз чўлда эшитган ўша мақол ҳам бор экан. Халқ дурдоналарини йиғиб, ипга маржондай тизиб яна халқнинг ўзига қайтариш — бу азалдан ҳайрли иш ҳисобланади. Ҳайрли ишга якка қўл уриш эса айб эмас, аксинча, моҳияти эътибори билан диққатга лойиқдир. Э. Сиддиқов китобнинг қадрини белгилаб турибди. Истагимиз шуки, ўзбек халқ мақоллари янада кўпроқ тўпланиб, каттароқ китоб ҳолида нашр этилса, ажойиб иш бўлур эди.

М. МАҲМУДОВ,
филология фанлари кандидати.

А. ПАРДАЕВ,
журналист.

Маълумки, «Денгиздан қатралар»га қадар бир гуруҳ мутахассис олимлар ва қизиқувчи ноширлар — Мансур Афзалов, Саидаҳмад Худойберганов, Собиржон Иброҳимов, Малик Раҳмонлар томонидан халқ дурдоналари — мақол, матал ва ҳикматли сўзлар тўпланган, нашр этилган. Э. Сиддиқов нашр эттирган китобнинг камчилиги шундаки, у ўзидан илгари катта ижодий меҳнат қилган олимларнинг хизматларини кўрсатмаган. Шу жиҳатдан қараганда, «Денгиздан қатралар» янгилик бўлиб кўринмайди. Аммо китобнинг қадри бу билан камаймайди. Э. Сиддиқов аввало ижодий мешқларимда ,мақол, матал ва ҳикматли сўзларни ўринли ишлатсам, ёзганларим жонли ва таъсирчан чиқади, деган ўйда холис бир ният билан мақоллар йиғиб юрган. Шу боисдан мақолларнинг китобий шакли эмас, балки жонли, оғзаки формаси кўпроқ қизиқтирган. Бу ҳусусият китобни бошқа нашрлардан фарқлаб туради.

Бадиий асарда қаҳрамон нутқи характер қирраларини очишда ва характер такомилида етакчи роль ўйнаши сир бўлмай қолди.

Кези келганда шуни айтиш керакки, кейинги йилларда яратилаётган аксар ҳикоя, қисса ва романларда (айниқса ёшлар асарларида) қаҳрамонлар меъёридан ортиқ гапиришади ёки «фалсафа» сотишади.

Уларнинг гапларида кўпинча халқимизга хос бўлган ташқи соддалик ва ички маънодорлик нур сочиб турмайди. Аксинча, ёлғон ялтироқлик, ҳиссизлик, руҳга бегоналик бўртиб туради. Бу шубҳасиз, жуда ачинарли ҳолдир. Шундай бир вақтда «Денгиздан қатралар»нинг қўлимизга тегиши халқимиз дурдоналарига бўлган ташналигимизни оз бўлсада, қондиради. Шунинг ўзиёқ китобнинг қадрини белгилаб турибди. Истагимиз шуки, ўзбек халқ мақоллари янада кўпроқ тўпланиб, каттароқ китоб ҳолида нашр этилса, ажойиб иш бўлур эди.

М. МАҲМУДОВ,
филология фанлари кандидати.

А. ПАРДАЕВ,
журналист.



ТОШКЕНТДАГИ кўпгина мактабларнинг ўқувчилари Республика ёш техниклар станцияси тўгараклари машғулотларига зўр қизиқиш билан қатнашадилар. Улар бу ерда планер, самолёт ҳамда кема моделларини ясашади. Суратда: авиамоделчилардан Александр Попов (чапда) билан Виктор Пономарев ўзлари яратган янги моделни учиришга ҳозирламоқдалар.

Ш. Алимов фотоси. (ЎзТАГ).

# ҚУРУҚ ҚОҒОЗ

(МИНИАТЮРА)

**Ошхона. Санврач озодаликни текширгач, акт ёзади ва бош ошпазга дўқ ура бошлайди.**

**Врач** — Оғайни, кафилини олганингиздан сўнг ишингизни билиб қилингда. Бу қандай гап. Ҳамма ёқ нфлос, ошпазларнинг, официанткаларнинг халатлари кир, ювилмаган. Қозон, ишш-товоқларингиз қатирмачоқ бўлиб кетибди. Бепарволик ҳам эви биланда. Тарелкаларингизни-ку, афтига қараб бўлмайди.

**Бош ошпаз:** — Кечирасиз, акажон, унча-бунча камчиликлар бўлса бордир. Дарров тўғрилаймиз.

**Врач** — Йўқ. Ҳозир ошхонангизни ёпиб, муҳрлаб қўйишим керак.

**Ошпаз** — Жон ака, бу сафарча кечиринг. Ҳаммасини ҳозир тўғирлаймиз. Тозалатамиз. Бу ёғини менга қўйиб бераверинг.

**Врач** — Йўқ, бўлмайди, қани, мана бу актга қўл қўйинг.

**Ошпаз** — Жон ака, ўзингиздан қолар гап йўқ. Ошхонани ёпиб кетсангиз, шунча овқат ачиб-сасиб, увол бўлиб қолади.

**Врач** — Билмайман. Бунисига ўзингиз жавоб берасиз. Қани, актга қўл қўйинг. Мана, олинг.

(Ошпаз олиб ўқийди).

**Ошпаз** — Мулла ака, биз ҳам одамнинг қадрига етадиган йигитларданмиз. Агар сўзимизни икки қилмасангиз Сизни ҳам хурсанд қиларміз. Бу ёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин. (Ошпаз чўнтагини ковлайди, бир даста пулни бир чўнтагидан олиб, иккинчисига солиб қўяди, тескарига ўгириладн-да, акт қоғозини ўроқлайди ва врачга узатади). Мана, мулла ака, актингиз, тахлаб қўйдим. Чўнтакка солиб қўйинг, кейин хурсанд бўласиз.

**Врач** — (ўроғлиқ қоғозни олади-да шошa-пиша чўнтагига солади) Сира қўймадингиз-да. Бўлмаса ҳалиги камчиликларни шу бугуноқ тузатасиз.

**Ошпаз** — Хўп, хўп. Жоним билан. Ана, ошхонамизнинг мудири ҳам келиб қолди. Бу киши санинспекциядан эканлар. Ошхонамизни текширдилар.

**Мудир** — Шундайми. Келинг-келинг. Ҳой, менга қара, сен қандай одамсан, меҳмонга чой-пой қўймадингми?!

**Ошпаз** — Олдиндан меҳмон бўлиб олиб камчиликларимиздан кўз юмиб ўтиб кетмасинлар, деб ўйладим. Энди меҳмон қилсак, бўлади.

**Мудир** — Ҳа, тузук-тузук. Сенинг билганинг ҳам билган. Хўш, меҳмон қалай ошхонамиз тузукми?!

**Врач** — Ёмон эмас, тузук.

**Мудир** — Оғзингизга новвот. Ҳой, менга қара, тезроқ бўл.

**Ошпаз** — Хўп-хўп.

**Мудир** — Олдин менга таклиф ва шикоятлар дафтарини бер. (олиб беради). Меҳмон, шунга икки оғиз ҳалиги ширин сўзингизни ёзиб қўйсангиз.

**Врач** — Хўп-хўп. (ёзади, сўнг ўқийди). Ошхонада санитария қоидаларига тўла риоя қилинган ҳолда иш олиб бориляпти. Ошхона озода, кам-кўстлари йўқ.

**Мудир** — Раҳмат-раҳмат, мен ҳозир (чиқади). Врач қоғозни очиб кўради. Орасидан пул эмас, қуруқ қоғоз чиқади).

**Врач** — Ие! Бу қуруқ қоғоз-ку. Вой, қурумсоқлар-э, ҳали шошмай турарингг.

Босит ХАЛИЛОВ.

## Спорт

ИККИНЧИ ЛИГА

СТАРТДА

Бугун футбол бўйича мамлакат чемпионатининг иккинчи лигаси (бешинчи зона) қатнашчилари ҳам мавсум ўйинларини бошлаб юборишади. Маълумки иккинчи эшелонда республикамиз спорт шарафини 10 та команда ҳимоя қилади. Бир неча мавсумдан бери зонада голиблик қилиб келаётган Сирдарё областининг «Янгиер» футболчилари бу сафар ҳам биринчи ўринни эгаллаб, даъвогарлар баҳсида иштирок этиш ниятидалар. Коллективга янги устоз, собиқ пахтакорчи Валерий Любушин бошчилик қиляпти. Команданинг СССР кубоги учун Симферополнинг «Таврия» ҳамда Москванинг «Динамо» коллективлари билан бўлган ўйинига қараб баҳо бериладиган бўлса, сирдарёлик футболчилар чемпионатга пухта тараддуд кўришганлиги сезилиб турибди.

«Нефтяник», «Пахтачи», «Хоразм», «Зарафшон» ва бошқа командалар ҳам ўтган йилги ютуқларни мустаҳкамлаш ниятидалар. «Янгиер», «Динамо», «Амударё», «Шаҳрихон», «Химик», «Ирригатор» ҳамда «Автомобилист» футболчилари биринчи тур ўйинларини ўз майдонларида ўтказишади.

НАФОСАТ

МАШҚЛАРИ

Бадиий гимнастика бўйича республика шахсий командаси биринчилигида «Меҳнат», «Спартак», «Локомотив» ҳамда «Старт» командалари вакиллари мусобақалашишди. Томошабинлар айниқса «Старт» гимнастикачиларининг чиқишларини мароқ билан томоша қилдилар. СССР спорт мастери ва мастерликка номзод программаси асосида ўтказилган биринчилик ёш гимнастикачилар олдига қанчалик мураккаб вазифа қўймасин, улар бунинг уддасидан чиқишди. Наталя Назарова нозик ва нафосатли машқлари билан судьяларнинг энг юқори баҳосига сазовор бўлди. У кўп курашда 45,05 балл тўплаб, биринчи ўринни эгаллади ҳамда республика чемпиони бўлди. Иккинчи ўрин учун кураш асосан Флора Бахтиозина ҳамда Таня Глухарева ўртасида борди. Мусобақанинг иккинчи турида рақибидан ўзиб олган Флора Бахтиозина охирги тургача олдинда борди ва 42,2 балл билан иккинчи бўлди. Бу уч гимнастикачи умумкомандa ҳисобида голиб келган «Старт» командаси галабасига катта ҳисса қўшишди.

ХОККЕЙЧИЛАРНИНГ

БУТУНИТТИФОҚ

ТУРНИРИ


«Советский спорт» газетаси совғини учун Свердловск, Уфа, Қозон ва Глазов шаҳарларида хоккейчилар турнири давом этмоқда. Тошкентнинг «Бинокор» командаси Қозон шаҳрида ўтаётган турнирда иштирок этмоқда. Ҳамшаҳарларимиз иккинчи турда олий лиганинг кумуш медаль эгалари пойтахт динамочилари билан бўлган ўйинда 3:4 ҳисобида мағлубиятга учрадилар.

## РАССОМ ХАНДАСИ



— Хотин бўлатуриб, эрталабга иссиқ овқат қилай ҳам демайсан?!

— Эркак бўлиб, қўлимдан болтани олинг бўлмаса...



— Тўтингиз яхшими, ўзи?

— Бўлмаса-чи, мен уни учинчи марта сотаяпман...



— Нега илжайяпсиз?

— Талонимни тешиб берган автоинспектор укол қилдиришга келибди...

А. ХОЛИҚОВ
расмлари.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

## Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10— Гимнастика. 10.30 — АВВГДейка. 11.00 — Ота-оналар учун кўрсатув. 11.30 — Музикали программа. 12.00— Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 12.30 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 13.00— Концерт. 14.00 — Совет шоирларининг партия ҳақидаги шеърлари. 14.25 — Мультфильм. 15.00 — **Мўъжизасиз-мўъжизалар.** 16.00 — **Шанбалик кундалиги.** 16.10 — **«Здоровье».** 16.55 — Лирик тароналар. 17.15 — **Чол ибн Хаттоб** (Бадиий фильм). 18.35 — **Шанбалик кундалиги.** 18.45 — «Кострома тупроғида». 19.00 **Янгиликлар.** 19.10 — **Ҳозирги замон кўпкураши бўйича СССР кубоги.** 19.45 — **Бахтли рейс.** (Бадиий фильм. 21.00 — **Футбол.** ЦСКА — «Динамо» (Тб). 1-тайм. 21.45 —Спортлото. 22.00 — **Вақт.** 22.30 —**Футбол.** ЦСКА — «Динамо» (Тб). 2-тайм. 23.15 Концерт. 01.15 — **Янгиликлар.**

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Мультфильм. 10.30 **Доира рақсга чорлайди.** 11.10 — **Бугун —Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги.** 11.30 — Ҳужжатли фильм. 11.40 — **В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалидан репортаж.** 12.10 — Кинокўзгудаги ҳаёт. 13.00 — **Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги кундалиги.** 13.15 — Мусиқа жавони. 14.10 —**Спорт кўрсатуви.** 14.45 Ота-оналар учун консультация. 15.15 — «Малишок». 18.00 — «Юлдузча». 18.30 — **«Ёшлик».** 18.50 — Ота-оналар университети. 19.20 — Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида. 19.45—**«Ахборот».** 20.00 — Лирик концерт. 21.00 — **«Ахборот».** 21.30 — **Куйланг, ёш хонандалар.** 22.00 — **«Вақт».** (Москва). 22.30 — «Деҳқон ва замон».

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.45 — Кўрсатувлар программаси.

## Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16|IV да **Аида.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16|IV да **Жон қизлар.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 16|IV да **Фақат аёл сотилмайди.**

## Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — дунёда ягона лилипутлар ревюси иштирокида МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (15.00, 19.30).

## Кино

**Фердинанд Люснинг ҳаёти ва ўлими** (3-4 серия) — «ВОСТОК», «МОСКВА», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

**Сен менинг қўшиғимсан** — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «КЎКЧА», «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда), «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

**Бормисан, марказий ҳужумчи** — «ИСКРА» (19.30),

**Азизим Робинзон** — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (10, 12, 14.00).

**Тоғ қироли ва бошқалар** (13, 14, 16.00), **Малиновканда тўй** (18, 20.00): — «ПИОНЕР».

**Альп воқеаси** — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда).

ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР — ОМОНАТ КАССАЛАРИГА 69-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Бу тираж 1977 йил 7 апрель да Ангрен шаҳрида бўлиб ўтди.

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ҲАММА ОМОНАТ КАССАЛАРИДА САҚЛАНГАН ОМОНАТ СЧЕТЛАРИНИНГ ҚУЙИДАГИ НОМЕРЛАРИГА ЮТУҚЛАР ЧИҚДИ:

| Счёт номерлари | Ютуқ миқдори ўртача омонат суммасига процент билан | Счёт номерлари | Ютуқ миқдори ўртача омонат суммасига процент билан |
|---|---|---|---|
| А-6 | 25 | А-558 | 25 |
| А-50 | 25 | А-566 | 25 |
| А-81 | 100 | А-607 | 100 |
| А-152 | 25 | А-674 | 25 |
| А-188 | 25 | А-709 | 25 |
| А-224 | 25 | А-725 | 200 |
| А-275 | 25 | А-783 | 50 |
| А-285 | 25 | А-819 | 25 |
| А-328 | 25 | А-873 | 25 |
| А-372 | 25 | А-918 | 25 |
| А-438 | 50 | А-927 | 25 |
| А-465 | 25 | А-987 | 25 |
| А-481 | 25 | | |

Счётларнинг сони 1000 дан ошган омонат кассаларида биринчи мингда қайси номерлар ютган бўлса, қолган мингларда ҳам шу номерлар ютгандир. Масалан, счёт №№ А-1152, А-2152, А-3152, А-1372, А-2372, А-3372 ва ҳоказо.

Тираж комиссиясининг раиси — Ангрен шаҳар ижроия комитетининг раиси — А. ШАМСИТДИНОВ.

Тираж комиссиясининг масъул секретари — Р. БОНДАРЕНКО.


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330298 гача, Эълонлар — 338142.

Р. 03317. Ўзбекистон Компартиясининг Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64583. Г. 1605.